

ISBN: 978-93-86253-14-3

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ РОЛИ



Очиллов Жамшид Абдурашидович



Published by
Novateur Publication
466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030

Очиллов Жамшид Абдурашидович

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТЕХНОГЕН
ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ РОЛИ**



Очилов Жамшид Абдурашидович Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали директори, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б.доцент

Монографияда цивилизация ходисасининг мазмун-моҳияти, ривожланиш босқичлари, ҳозирги даврда парадигмал ўзгаришлари ҳақидаги муқобил таълимотлар, назариялар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда цивилизацияларни детерминлаштирувчи омилар комплекси ва уларнинг функциянал аҳамияти, инсоният технологик маданиятида тарихий ворислик муносабатлари, миллий ва умуминсоний қадрият мақоми ҳамда ижобий ва салбий оқибатлари кўрсатилган.

Монография ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида: бакалаврият, магистратура босқичларида таълим олаётган талабаларга, мустақил изланувчиларга, малака ошириш ва қайта тайёрлаш профессор ўқитувчилари ва тингловчиларига, шунингдек глобал техноген цивилизация муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

Х.Джуракулов – фалсафа фанлари доктори, доцент

А.Махмудова – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Масъул муҳаррир:

Б.О.Тураев – фалсафа фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4-6
I-БОБ. Цивилизация тушунчасининг генезиси, шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари	7-14
II-БОБ. Техноген цивилизациянинг вужудга келиш ва уни даврлаштириш тамойиллари	14-23
III-БОБ. Жамият тараққиётида техноген цивилизациянинг роли	23-33
IV-БОБ. Техноген цивилизация ривожланишида тарихий меросга ворислик муносабатининг аҳамияти	33-42
V-БОБ. Техноген цивилизацияда миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш масалалари	43-54
VI-БОБ. Техноген цивилизация глобаллашувининг хусусиятлари	54-74
VII-БОБ. Технологиянинг ижтимоий тараққиётга таъсири	75-76
VIII-БОБ. Цивилизациялар интеграцияси ва глобаллашувида толерантлик тамойилининг роли	76-80
Хулоса	81-83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84-85

КИРИШ

Жаҳоннинг бугунги манзараси тубдан ўзгармоқда. Унинг техник ва технологик имкониятлари кун сайин ривожланиб, гуманистик моҳиятли жамиятлар техноген жамиятларга айлана бошлади. Бу инсон шахсининг техногенетик манфаатлар денгизида фарқ бўлиш хавфини ҳам туғдирмоқда. Техноген жамиятлар технократик бошқарувга ўтиб, жонли инсоннинг инсонпарварлик ғояларини оёқ ости қилиш ҳавфи ҳам йўқ эмас. Бундай шароитда инсон манфаатларини миллий кадриятларга садоқат туйғусигина қутқариб қолиши мумкин.

Техноген цивилизация мураккаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳодиса бўлиб, уни ташкил қилган структуравий элементларининг функционал алоқадорликлари: “табиат-жамият-техника-технология-инсон” тизими ижтимоий-иқтисодий муносабат йўналишларига ҳам, характерига ҳам детерминлаштирувчи таъсир қилади. Бу таъсир самарадорлиги функционал алоқадорликларнинг объектив шарт-шароитларига ва субъектив омиллари фаоллигига боғлиқ бўлади ҳамда техноген цивилизация глобаллашув даражасини белгилаб беради.

Техноген цивилизация глобаллашуви тарихининг ҳозирги босқичи жамият технологик маданиятда миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграцияси сифатида қаралиши керак. Зеро, бир томондан, умуман ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда миллийлик ва умуминсонийлик бир-бирини тақозо қилади. Бошқача қилиб айтганда, миллийлик умуминсонийликнинг муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда конкретлашган шаклидир. Иккинчи томондан, техноген цивилизацияда миллийлик ва умуминсонийликнинг интеграциялашуви ҳозирги замон оламшумул муаммоларини бартараф қилишнинг муҳим субъектив омилдир.

Инсоният тарихий тараққиётида шаклланган ва ривожланган техноген цивилизациянинг ҳар қандай шакли ҳеч қандай асоссиз, қуруқ жойда тасодифан вужудга келган эмас. Аксинча, ўзидан олдинги авлодларнинг

тарихий меросига ворислик муносабатларини ижодий ривожлантириш, тажрибаларини умумлаштириш натижаси ҳисобланади. Шу жумладан ҳозирги техноген цивилизация глобаллашувини ҳам умумий тарихининг конкрет мавжудлик ҳолати, деб баҳолаш керак.

Футурологлар башоратига кўра, жаҳон цивилизацияси келажаги инсоннинг ўта шиддатли ва мураккаб замон муаммоларини ҳал қилишига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Хусусан, инсон омилининг техноген цивилизацияга ва техноген цивилизациянинг жамият маънавиятига акс таъсири кучайиши ҳозирги замон глобал муаммолари кескинлашувида муҳим роль ўйнамоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ижтимоий борлиғи ва моҳияти “техноген ижтимоийлашуви”га боғлиқ бўлиб, жамият тараққиётининг асосий мезонига айланди. Чунки инсон техноген цивилизация ижодкори, яратувчиси бўлса ҳам, унинг натижаларини “ҳазм қилиш санъати”, ўзлаштириш “технологияси” жамият мавжудлиги ва ривожланиши шарти ҳисобланади.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қарорида таъкидлаганидек “Ўрта асрларнинг илк даврида улуг аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожда кескин бурилиш ясади”¹. Шу нуқтаи назардан, глобал техноген цивилизация тарихини ўрганиш, ҳозирги даврнинг долзарб илмий муаммоси бўлиб, унинг назарий, амалий ечими миллий тараққиётимизнинг зарурий асоси ҳисобланади. Айниқса, техноген цивилизация “контрасти”, даражаси турлича бўлган минтақаларда бу муаммолар ўз вақтида ечимини топмаса, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш ҳақидаги ғоялар ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-3080-Қарори 2017 йил 23 июнь <https://lex.uz/docs/3600059>

Булардан ташқари инсоннинг ижтимоий ҳаётига маданий-цивилизация муносабат талаблари ошиб бормоқда. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

- тарихан шаклланган ахлоқий қадриятлар ва ҳуқуқий нормаларга асосланиб, техноген цивилизация вужудга келтириш эҳтимоли юқори бўлган экстремал ҳодисаларга тайёр туриш;

- ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимини техноген цивилизация нормаларига, тамойиллари асосида ташкиллаштириш ва амалга оширишда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш;

- маълум маънода миллат маънавий-маданий ҳаёти асоси ва натижаси бўлган техноген цивилизация тарихини ва унинг ривожланиш босқичларини ўрганишни янада долзарблаштирмоқда.

Шундай экан, бу китоб техноген цивилизацияга доир тарихий меросни тиклаш, ўрганиш ундан ҳозирги глобал муаммоларни ҳал этишда муҳим назарий асос бўлади деган умиддамиз.

I-БОБ. ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ГЕНЕЗИСИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий манзарасини глобаллашиб кетаётган оламшумул муаммолар контекстида қараш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам, оқибатлари кўламини ҳам аниқлаш шарти ҳисобланади. Хусусан, глобал техноген цивилизация тарихи, юқорида кўрсатилган барча йўналишлардаги муаммоларга бевосита ёки билвосита алоқадорлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам техноген цивилизация тарихини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан илмий ўрганиш, уларнинг динамик ривожланиш жараёнини ва салбий оқибатларини бартараф қилишда муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга. Чунки инсоният ўзининг илмий, техник, технологик, интеллектуал салоҳияти имкониятларини, цивилизацияларнинг тарихий ривожланиш тенденцияларини детерминлаштирувчи асосий омилнинг белгиловчи ролини, аҳамиятини объектив баҳолай олмаса, истиқбол мўлжалларини йўқотади.

Жаҳон цивилизациялари эришган тажрибаларига кўра, инсоният тарихий меросига, маданиятига асосланиб глобал муаммоларини ҳал қилиши (энг бўлмаганда юмшатиши) мумкин. Шу жумладан, техноген цивилизация тарихи оламшумул муаммоларнинг вужудга келиш генезисини, ретроспектив асосларини, ривожланиш қонуниятларини конкретлаштириши билан илмий аҳамиятини намоён қилади.

Ҳар қандай миллатнинг тарихий шаклланган ижтимоий макондаги мавжудлик ҳолати муайян даражада ривожланган техноген цивилизация натижаси сифатида қаралиши керак. Зеро, инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари асосида вужудга келган антропотехноген фаолияти динамик ўзгараётган *техноген цивилизация муҳитига* “кўникиш эффекти”, “мослашиш коэффициенти” ривожланиш даражасига боғлиқдир. Инсон ўз

мавжудлиги шарти, фаолияти натижаси бўлган техноген цивилизацияни, яъни ижтимоий-табiiй тизимнинг концентрлашган шаклини, унинг ривожланиш тарихи, глобаллашиш тенденцияси контекстида мустахкам илмiiй-назарий ва методологик асосларга кўра таҳлил қилиши билан барқарор тараққиётни таъминлаши, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариши мумкин.

Инсониятнинг кундалик ҳаётида техникадан фойдаланиши, ривожланиш ва мукамаллик даражасидан қатъий назар, узоқ тарихга эга. Жамият барқарор техноген тараққиёти² назарий-методологик асосларини яратишда Марказий Осиё алломаларининг назарий қарашлари, техник ижодкорлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганидек: “Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму-фан барқ уриб яшнагани, табiiй илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмiiй академиялар ташкил этилиб, Мағрибу Машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди”³.

Лекин Шарқнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида бир-бирига диаметриал қарама қарши фикрлар, таълимотлар илгари сурилган. Масалан, қадимдан жаҳон техноген цивилизацияси манбаларидан бири бўлиб келган Шарқ маданияти тарихи ва фалсафасига европацентризм позициясидан ёндашилиб, баҳоланганлиги натижасида ғайри илмiiй хулосалар чиқарилган. Хусусан, Россияда славянофиллик фалсафаси асосчиларидан бири В.С.Соловьёв: “Мусулмон дунёсида ижобiiй фан, фалсафа, ҳақиқiiй теология ҳеч қачон мавжуд бўлмаган. Уларники, нари борганда, греклардан олинган мавҳум фалсафiiй тушунчалар, эмпирик ахборотлар мажмуасидан иборат қарашлардир”⁴, деб ёзган эди. Бундай қарашлар классик цивилизацияга

² “Техноген тараққиёт” тушунчаси мазмунида техниканинг детерминлаштирувчи ролига урғу берилаётган бўлса ҳам, бошқа омиллар истисно қилинмаган, балки уларнинг функционал аҳамияти техника, технология ривожланиши доирасида олиб қаралган ва конкретлаштирилган.

³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 219-220 бет.

⁴ Соловьёв В.С. Три силы. Избранное. – М.: 1990. -С.45.

намуна бўлган Шарқнинг ижтимоий-маънавий ривожланиш тарихига, фалсафий меросига беписандлик билан ёндашишдир. Аммо бугунги кунда бу ёндашувларга қарама-қарши улароқ унинг аҳамияти дунё илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ибн Холдун (1332-1406 й.) инсонлар ҳаётини яшаш шароитига қараб шаҳар ва қишлоқ ҳаёт тарзига ажратар экан, ҳозирги замон техноген цивилизацияси асосларини гениал тарзда изоҳлаб берган эди. Унинг: “Билгинки, кишиларнинг ҳаёт тарзидаги фарқ, фақат ҳаёт воситаларини топиш усулидаги фарқларга боғлиқдир... Авлоднинг қандай шароитда яшаши, уларнинг яшаш воситаларини қай тарзда топиши билан фарқланади”⁵, деган ғоясида, муайян даражада иқтисодий детерминизм элементлари устувор бўлса ҳам, фалсафий дунёқараши рационализмни намоён қилади. Бу таълимотда унинг: меҳнат воситалари, тақсимооти, ишлаб чиқариш усули, шунингдек инсоннинг технологик маданияти ҳақида тасаввурларга эга бўлганлигини кўрамиз. Унинг фикрича, инсонларнинг яшаш эҳтиёжлари ерга ишлов беришни, мол боқишни тақозо қилган. Лекин эҳтиёжидан ортиқ маҳсулотлар пайдо бўлиши билан жамият ривожланиш ҳолатига ўтган ва цивилизациянинг иқтисодий асосларини яратган.

Марказий Осиё алломалари инсоннинг дунёга келишидан мақсади, техноген цивилизация шартлари бўлган: билим олишни, ҳар ишда моҳир инсон бўлиб етишишни, илоҳий моҳиятга эътиқодни комиллик сифатлари, деб билганлар. Яъни умумлаштириб айтганда, инсон моҳиятида рационал, иррационал ва теологик-илоҳий жиҳатлар мужассамлашган. Ҳозирги глобал техноген цивилизация, умуман ижтимоий-сиёсий муносабатлар, хусусан “инсон-техника-табиат” тизими муносабатлари интенсивлашуви шароитида, инсон омили ролини ошириш зарурияти Марказий Осиё мутафаккирлари фикрларининг алоҳида аҳамиятини кўрсатади.

⁵ Қаранг: Ибн Холдун. Введение (фрагменты). -С. 571.

Марказий Осиё фалсафий меросида, бир томондан, умуминсоний ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиққан кадриятлар – инсон моҳиятини, унинг ижтимоий борлиғини таъминлашга асос бўладиган техноген цивилизация муносабатлари ривожланиш даражасида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, техноген цивилизация шу муносабатлар жараёнида инсон ва жамият борлигининг ички зиддиятларини вужудга келтириши, кескинлаштириши мумкин. Буни техноген цивилизациянинг субстанционал моҳияти тарзида эътироф этиш керак. Демак, техноген цивилизация ҳақидаги ҳар қандай муқобил фалсафий таълимотда бу зиддиятлар эътироф этилса ҳам, лекин уларни детерминлаштирувчи асосий сабаб масаласида плюрализм кўзга яққол ташланади.

М.Шелернинг (1874-1928 й.) фалсафий антропологиясига кўра инсон ҳаётининг мавжудлик асослари иерархиясида: тирик организмларга хос ривожланиши, табиий танланиши, насл қолдириш инстинкти, руҳий ҳиссиёти; рационализмга асосланган позитив фаолияти; ассоциатив хотира, техника соҳасида назарий онг ва амалий идрок бирлиги, янгиликни илғаб олиш, ўзгараётган вазиятга мослашиш имконияти бўлган “бетоб ҳайвон”дир. Лекин инсон – “янгиликка интилувчи ҳайвон” ўзини ўраб турган борликни ўзгартиришга интилиши билан ҳайвондан фарқ қилади. Агар ҳайвон ўзи яшаётган табиий муҳитига қарам бўлса, инсон- табиий муҳитдан “мустақил” онгли мавжудот бўлса ҳам, унинг мавжудлиги ва фаолияти ҳаётий эҳтиёжлари билан тақозоланган ва ҳаракатлантирувчи кучларга, мотивларга, механизмларга таянади, деб ҳисоблайди.⁶

Инсоннинг техноген цивилизация шароитидаги рационал фаолияти субъективлиги, унинг объектив шарт-шароитга нисбатан пассивлигини ифодаламайди, балки объектив реалликни ўзгартириши жараёнида объективлик моҳиятига “сингиб” кетиши билан изоҳланади. Чунки инсондан ташқаридаги объективлик субъективликдан ташқарида ҳеч қандай мазмунга

⁶ Қаранг: М.С. Комаров Социобиология и проблемы человека. Вопросы философии. 1985. №4. -С. 137-144.

эга эмас. Шунинг учун ижтимоий-тарихий жараёнлардаги субъектив омилнинг детерминлаштирувчи ролини рад қилиш ҳам, аксинча унинг аҳамиятини мутлақлаштириш ҳам ғализ хулосаларга олиб келади.

Техноген цивилизация глобаллашуви бир-бири билан боғлиқ икки жараён: ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими дифференциаллашуви ва интеграциялашуви натижасидир. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий онг шакллари ва фанларнинг ривожланиш тенденциясини, истиқболларини белгилаб бермоқда. Буни замонавий техноген цивилизация глобаллашувининг ўзига хос белгиси деб баҳолаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, жамият техноген цивилизациясининг ҳозирги босқичига мос бўлган бу жараёнларни мақсадга мувофиқ йўналтириш учун инсон ижтимоий муносабатлари тизимида (хусусан, унинг интеллектуал салоҳиятида, маънавий қиёфасида) туб сифат ўзгаришлари тақозо қилинади. Иккинчи томондан, техноген цивилизацияни динамик ўзгарувчи ижтимоий феномен сифатида олиб қаралса, уларни умуман жамият тараққиёти, хусусан “шахс сифатларини” белгиловчи асосий шартлари, деб тушуниш керак.

Инсон интеллектуал салоҳияти ва фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши билан техноген цивилизация янги сифат даражасини намоён қилмоқда. Яъни, унинг табиат бойликларини доимий ошиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш – ўзлаштириш ва ўзгартириш фаолияти глобаллашувига олиб келади. Чунки инсон техноген цивилизациянинг дастлабки босқичларида бу фаолиятининг глобал салбий оқибатларини тасаввур қилмаган. Кейинчалик ижтимоий меҳнат тақсимоти дифференциаллашуви, ишлаб чиқаришнинг индустрлашуви, ҳозирги даврда эса ахборотлашуви билан техноген цивилизация мақомида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, моддий ишлаб чиқаришнинг экстенсив ўсиши, маиший ҳаёт коммуникация ва инфраструктураси ривожланиши, урбанизация жараёнининг горизонтал ва вертикал йўналишларда жадаллашуви ва бошқа антропотехноген фаолият соҳаларидаги ўзгаришлар техноген цивилизация натижаларини янги мезонлар, тамойиллар асосида

қайта баҳолашни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам техноген цивилизациянинг ҳозирги ривожланиш босқичи хусусиятини аниқлаш мезонлари тизимида инсониятнинг *технологик маданияти* устуворлашиб бориши тасодифий эмас.

Биз цивилизациялар тарихида, умуман маданият, хусусан техноген цивилизацияда технологик маданиятнинг детерминлаштиручи асослигини таъкидлаган ҳолда, маданият хусусида нисбатан кенг тарқалган ва устувор ҳисобланган таъриф, яъни “маданият – кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи”⁷ эканлигини эътироф этамиз. Чунки бу таъриф, классик маънода, комплекс-системалилиги билан аҳамиятига эга. Лекин, жамият тарихий тараққиёти жараёнида маданият феноменининг янги хусусиятлари, сифатлари намоён бўлиб, унинг таърифларини “таҳрир қилишни” тақозо этмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда глобал муаммолар кескинлашуви билан, бу таърифда инсоннинг борлиқни ўзгартириши эмас, балки уни қайта тиклаш, муҳофаза қилишдан иборат *технология маданияти* устувор аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, техноген цивилизация тарихи ва унинг функционал аҳамияти шу методологик тамойил асосида баҳолашни лозим.

Техноген цивилизация глобаллашувининг салбий оқибатларини бартараф қилиш миллий ва минтақавий доираларда амалий чора-тадбирлар самарадорлиги ва инсон омили фаоллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам инсон омили ролини оширишга доир турли муқобил ёндашувлар, хусусан “технологик детерминизм” назарияси алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши керак. Зеро, жаҳон ҳамжамияти инсониятнинг табиат ресурслари захирасини, ўзгараётган ижтимоий-сиёсий воқеликка “адаптация потенциали” имкониятларини ҳисобга олмайдиган хўжалик фаолияти қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида етарли маълумотларга, ахборотларга эга. Масалан,

⁷ Мустақиллик изоҳли илмий, оммабоп луғат -Т.: «Шарқ», 1998. - 104 бет.

машҳур “Рим клуби” тадқиқотларида инсониятнинг техноген маданияти ва тафаккур тарзи қашшоқлиги натижасида вужудга келган: ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа муаммолар комплекси кўрсатиб берилган. Бу муаммоларни техноген цивилизациянинг тарихий босқичлари ва глобаллашуви контекстида ўрганиш, уларни ҳал этишнинг нисбатан мукаммал назарий-методологик асосларини яратишга олиб келиши мумкин.

Техноген цивилизация тарихи босқичлари ва унинг глобаллашув жараёни ҳақидаги муқобил назарий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш асосида чиқарилган илмий хулосалар, нисбатан универсал характерга эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан бу тадқиқотлар муаммони комплекс-системали ўрганишга эмпирик база бўлса ҳам, унинг тарихи, глобаллашув хусусиятлари ҳақида яхлит тасаввур бера олмайди. Шунингдек, техноген цивилизацияга берилган таърифларда ҳам фанлар соҳаси йўналишларига мос детерминизмни ёки муаммога “корпоратив манфаатлар” асосида ёндашувни кўрамиз.

Бизнинг фикримизча, *техноген цивилизация – муайян миллат, давлат ва жаҳон маданиятининг ҳозирги ва келажак авлодлар иқтисодий ҳаёти учун зарур шарт-шароит яратишга йўналтирилган оқилона технологик усуллардан, воситалардан фойдаланиб, потенциал имкониятларини реаллаштиришдан иборат ривожланиш босқичидир.* Умуман техноген цивилизация феноменини инсон ва жамият *фаолияти билан боғлаш*, методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Зеро, уни таърифлашда, техника ва технологик маданиятнинг моҳиятидан, функционал аҳамиятидан, трансформацияси усул-воситаларидан келиб чиқиш керак. Бу тамойилга ҳар бир фан, маданият соҳаси контекстида ёндашилса, унинг моҳияти, мазмуни конкретлашади. Лекин техноген цивилизациянинг ҳар қандай соҳада намоён бўлиши, нисбатан мустақил бўлса ҳам, умуман жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларидан, жараёнларидан ажралмаган ҳолатда шаклланади ва ривожланади.

Кўрилган масалани умумлаштириб, хулоса қиладиган бўлсак:

Биринчидан, техноген цивилизациянинг: миллий, худудий, минтақавий ва глобал даражаларда ривожланиши инсониятга хос объектив жараён бўлиб, унинг умумий тарихини муштараклашган тарзда намоён қилади.

Иккинчидан, ҳар қандай жамиятда ва тарихий даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар характери ва хусусиятлари техноген цивилизация ривожланиш даражасига адекват бўлади.

Учинчидан, техноген цивилизация феномени тарихига муқобил фалсафий қарашлардаги умумийлик – маданиятнинг детерминлаштирувчи ролини эътироф қилиши билан характерланади.

Тўртинчидан, техноген цивилизация тарихини жамият ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими билан боғлаб, комплекс-системали таҳлил қилиш, унинг функционал аҳамиятини конкретлаштиради.

Бешинчидан, инсоният тарихида яратилган маданий меросига ворислик муносабатлари, техноген цивилизацияни ривожлантиришнинг зарурий шарти ва асоси ҳисобланади.

II-БОБ. ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА УНИ ДАВРЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Инсоният тарихини – техника, технология, интеллектуал салоҳият ривожланиши, пировард натижада, техноген цивилизация ва унинг глобаллашуви тарихи сифатида қараш керак. Дарҳақиқат, дастлабки одам пайдо бўлган даврларда, бир томондан, инсоннинг оддий меҳнат қуролларини яратиши техноген цивилизация генезисини ташкил қилган ва кейинчалик антропотехноген омилнинг горизонтал ҳамда вертикал ривожланиши, унинг глобаллашувига олиб келган. Иккинчи томондан, “табиат-жамият-инсон-техника-технология” тизимида субъектив омилнинг роли, мақоми ўзгариб, жамият ижтимоий-сиёсий муносабатлари доимий барқарорлигини, цивилизация келажагини сақлаб қолиш муаммосини вужудга келтирган.

Техноген цивилизация инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборат объектив ижтимоий ҳодиса (ҳам ҳолати, ҳам жараёни) сифатида жамият ҳаёти асосларини ишлаб чиқариш даражасида намоён бўлади. Шунингдек, техноген цивилизациянинг ривожланиш даражаси, ҳар қандай жамиятда: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатлар контекстида конкрет мазмун касб этса ҳам, муайян тарихий даврнинг, умуман базис муносабатларидан, хусусан ишлаб чиқариш усулидан ажралиб қолган эмас, аксинча унинг ривожланиш даражасини ифодалайди. Лекин масалага иқтисодий детерминизм нуқтаи назаридан ёндашилиб, бошқа омиллар родини инкор қилиш техноген цивилизация ҳақида бир томонлама ғализ хулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Техноген цивилизациянинг ривожланиши жамият ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечимида муҳим роль ўйнаган, лекин унинг натижасида қатор муаммолар ҳам вужудга келган ва глобаллашган. Бу муаммоларни ҳал қилиш зарурияти эса, инсониятнинг умумий маънавий маданиятини техноген маданияти билан уйғунлаштиришни тақозо қилмоқда. Бундан ташқари, техноген цивилизация тарихининг амалий тажрибаларини, қадриятларини, илмий ғояларини оммага трансформация қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамият ривожланиш даражаси кўрсаткичлари, мезонлари таркибида технологик маданиятнинг оммалашуви, яъни глобаллашуви, маълум маънода инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини белгилаб берган. Шунингдек, техноген цивилизация глобаллашувининг объективлиги, унинг нисбатан мустақиллигини ҳам, ижтимоий макон ва тарихий замонда хусусийлигини ҳам, истисно қилмайди. Чунки техноген цивилизациянинг глобаллашуви: бир томондан, ҳар қандай жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асоси, ҳаракатлантирувчи мотиви ва механизми; иккинчи томондан, унинг натижаси сифатида инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш воситаси ва кейинги ривожланиши учун шарт-шароит ҳисобланади.

Ҳар қандай тарихий даврда жамият мавжудлиги даражасига мос ва унинг ривожланиш тенденциясини белгилайдиган техноген цивилизация шакли

вужудга келган ҳамда жамият технологик маданиятида намоён бўлган. Тарихий ёзма манбаларда, археологик, этнографик илмий тадқиқот натижаларида қадимги даврларда ҳам кишиларнинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ ва уни ифодаловчи техноген цивилизация элементлари шаклланганлиги исботланмоқда. Дарқоқиқат, инсоният тарихининг дастлабки даврларида ҳам техноген цивилизациянинг куртаклари, умуман моддий ишлаб чиқариш кучлари, хусусан меҳнат қуроллари ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характерини белгилаб берган. Айниқса, йирик меҳнат тақсимоти вужудга келиши билан ишлаб чиқариш соҳаларига мос технологик маданият шаклланган. Масалан, агротехника, зоотехника маданиятини, тажрибаларини тарғибот-ташвиқот қилишда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” таълимотини кўрсатиш мумкин.

Ушбу таълимотга кўра, деҳқончилик меҳнати эзгулик намоён бўлишининг асосий шаклидир. "Кимда-ким буғдой экса, у Асбаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру- ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади"⁸. "Вандидод"нинг 13-14-бобларида ердан унумли фойдаланиш, уни ифлослантиришдан сақлаш, суғорганда сувни тежаш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. Деҳқон экинни суғориши мумкинлиги, деҳқончилик билан шуғуиланадиган ҳар бир киши бир белкурак кенглиги ва чуқурлигидаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш билан қоҳинлар шуғулланиши кўрсатилган. "Авесто"да дарёлар, каналлар, сув шоҳобчалари ҳақида, ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаш борасида қимматли фикрлар баён этилганки, бундай далиллар ва иқтисодий ўғитлар бошқа бирон-бир манбада учрамайди⁹.

Энг муҳими, бу манбаларда технологик маданиятни рағбатлантирувчи ёки унга зид ҳаракатларни чегараловчи, таъқиқловчи ва жазоловчи

⁸ "Авесто". Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. — Т.: "Шарқ", 2001, 115-бет.

⁹ Бобоев Х., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. "Авесто" - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ. Т.: 2004. — 142 бет.

умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий нормалар, механизмлар шаклланганлигини кўрамиз. Инсоният ривожланишининг кейинги тарихий даврларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар дифференциаллашиш жараёни техноген маданиятга ҳам таъсир кўрсатган ва унинг “антропотехноген функциясини” конкретлаштирган.

Техноген цивилизация глобаллашуви генезисини “инсон-техника-технология” тизими ривожланиши тарихи билан боғлаб таҳлил қилиш, бизнинг назаримизда, тўғри методологик тамойил ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда дехқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради”¹⁰. Дарҳақиқат, инсониятнинг тарихий мероси техноген цивилизация характерини ва ривожланиш даражасини белгилайдиган асосий мезон ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, техноген цивилизациянинг турли йўналишлари ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини, умуман жамият тарихий мероси, хусусан технологик маданияти билан боғлаб, комплекс-системали ўрганиш муҳим назарий-методологик ҳулосаларга асос бўлади.

Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида технологик маданият¹¹ кундалик онг даражасида: инстинктив-рефлексив, стихияли-содда характерга эга бўлиб, жамиятнинг утилитар-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, технологик маданиятнинг ишлаб чиқариш воситалари ривожланиш даражаларига мос хусусиятлари кундалик табиий эҳтиёжларидан, мақсадларидан келиб чиққан. Иккинчи томондан эса, фан, техника, технология, интеллектуал салоҳият

¹⁰ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т. Маънавият, 2008. - 30 бет.

¹¹ “Технологик маданият”нинг “техноген цивилизация” ҳодисаси билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг тўғри ва қайтар муносабатлари алоқадорлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари технологик маданият – ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш даражасини, “сифатини” белгилайдиган мезон ҳисобланади.

ривожланишининг натижаси бўлган *“технологик инсон”*, борлиққа таъсири нуқтаи назаридан, *“антропотехноген маданият”* субъектига айланган. Жамият тарихий тараққиётининг нисбатан юқори босқичларида, айниқса глобаллашув шароитида, бу тенденция янада кучайиб, субъектив омил – технологик инсон омилининг барча соҳаларда устуворлашуви қонуният мақомига эга бўлиб бормоқда. Шунингдек, цивилизациялар ривожланишига мос моддий ишлаб чиқариш усули характерининг ўзгаришлари, нисбатан мустақил ижтимоий феномен сифатида, технологик маданият шаклланишига асос бўлган.

Инсоният тарихининг нисбатан юқори босқичларида, технологик маданият ижтимоий-иқтисодий ҳаёт мазмунига сингдирилиб, техноген цивилизация глобаллашуви жараённинг муҳим субъектив омилга, унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш имкониятига айланган. Чунки тарихий генезиси ва мавжудлик ҳолатига кўра, *“технологик маданият”* тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасига хос конкрет маданият шакллариини интеграциялаштирувчи имкониятга эга. Шунинг учун ҳам техноген цивилизация характерини жамиятнинг технологик маданияти (тўғрироғи, унинг гуманистик мазмуни) белгилаб туради. Бироқ, тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида, айрим давлатларда технологик маданият ривожланишига ҳукмрон сиёсий тизим манфаатлари салбий таъсир кўрсатган. Масалан, собиқ СССРда ижтимоий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш маданиятининг (қуролланиш пойгаси ва агрессив сиёсат билан боғлиқ саноат ишлаб чиқаришида юқори *“технологик маданиятга”* ва имкониятга қарамасдан) техноген цивилизация билан умумийлиги ғоят шартли ва нисбийдир. Чунки техноген цивилизация гуманистик ва демократик тамойилларга асосланган ҳолатдагина том маънодаги моҳиятига, функционал аҳамиятга эга бўлади. Бошқача айтганда, ҳар қандай жамиятда техноген цивилизация йўналишлари ва ривожланиш даражалари умуминсоният эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг манфаатларига мос келган тақдирда гуманистик мазмунини, демократик характерини намоён қилади.

Техноген цивилизация ва технологик маданият феноменларининг ўзаро боғланиш ва алоқадорликларини: ижтимоий макон, тарихий замон нуқтаи назаридан туркумлаштириш, умуман ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан ижтимоий фалсафанинг муҳим методологик тамойилидир. Чунки бу тамойил тадқиқотнинг тарихий ва мантикий изчиллигини таъминлаш заруриятидан келиб чиқади. Лекин, ҳозирча техноген цивилизация ва технологик маданият тарихига оид илмий адабиётлар уни туркумлаштириш масаласида умумий хулосага келган эмас. Айрим олимлар уларнинг мавжудлигини ва ривожланишини детерминлаштирувчи сабаблар тизимида “доминант омил”ни ажратиб олиб мутлақлаштирадилар. Ваҳоланки, бу ҳодисалар, бир-биридан нисбатан мустақил бўлса ҳам, ўзаро тақозоланишига кўра мураккаб ички алоқадорликка эга. Шунга кўра уларнинг тарихини туркумлаштиришга комплекс-системали ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Умуман “техноген цивилизация”, “технологик маданият” ўзақдош тушунчалар бўлса ҳам, улар кўлами ва мазмуни нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Яъни инсоннинг иқтисодий, маиший ва бошқа ҳаёти фаолиятида мукамал техника воситаларни қўллаб, юксак технологик маданий усуллардан фойдаланиши билан, унинг оқибатлари ўртасида жиддий фарқ мавжуд. Образли қилиб айтганда: “мақсад-восита-натижа” тизими номутаносиб бўлиши мумкин. Шунга кўра, ҳозирги вақтда фанларни, ижтимоий онг шаклларини инсонпарварлаштириш заруриятининг устуворлашиш тенденцияси, уларни муайян соҳалар бўйича, юқорида кўрсатилган тизим тамойилларига мос тарзда конкретлаштириб туркумлаштиришни тақозо қилмоқда.

Чунки техноген цивилизацияда “мақсад-восита-натижа” тизими элементларининг ҳар бири, нисбатан мустақил ҳолда ҳам, умуминсоний манфаатларга мослиги билан юксак маданиятни намоён қилади.

Шу нуқтаи назардан, техноген цивилизация тарихига комплекс-системали ёндашиб, уни *хронологик, функционал ва репродуктив* жиҳатлар бирлиги асосида даврлаштириш, нисбатан умумийлигини таъминлайди.

Айрим олимлар техноген цивилизация тарихини ижтимоий-сиёсий жараёнлардан ажратиб кўрсатадилар. Хусусан, техноген цивилизация тарихи инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги асоси ва натижаси сифатида талқин қилинган. Шунингдек, фалсафий адабиётларда техноген цивилизацияни илмий-техника инқилоби жараёни бошланиши ва ривожланиши билан боғлаб икки йирик даврларга ажратиш нисбатан кенг тарқалган. Бундан ташқари, Собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардаги олимлар техноген цивилизациянинг капитализмгача – *стихияли* ва социализмда – *онгли* ривожланиш даражаларига мос босқичларга ажратган. Яъни ишлаб чиқариш воситалари мулкчилик шакллари техноген цивилизация даражасини белгиловчи асосий мезон ҳисобланиб, “ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг шакли ёки мулк муносабатлари табиатдан фойдаланишнинг бутун ташкилий тизимида (хусусан, маданияти ривожланиши даражасини) белгиловчи омил сифатида намоён бўлади”¹².

Ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулкчилик жамият тараққиёти даражасини белгиловчи асосий мезон эмаслигини тарихий тажрибалар кўрсатиб берди. Умуман, техноген цивилизация тарихини: капитализмгача, капитализм ва социализм босқичларига ажратишда сиёсий детерминизм кўзга ташланади.

Кейинги йилларда техноген цивилизацияга *иктисодий детерминизм* нуқтаи назаридан ёндашиб, уни тарихий босқичларга ажратиш нисбатан кенг тарқалмоқда. Яъни биринчи босқич – инсоннинг табиатни маданий ўзгартириши “сунъий табиатни” яратиши, лекин табиатга қарам бўлиши билан изоҳланади. Иккинчи босқичда – инсон ўзини “табиат ҳукмдори” деб, ундан чексиз фойдаланиш мумкин деб билади. Бу давр ўз ичига кейинги уч асрни олади. Учинчи босқичда – инсоннинг табиатни ўзгартириши, техноген цивилизация истиқболлини ва инсоният ҳаётини сақлаб қолишдан иборат глобал муаммони келтириб чиқармоқда. Хусусан, В.А.Кобелянский фикрича:

¹² Анучин В.А. Основы природыпользования. Теоретический аспект. М.: Мысль, 1978 г. С.59.

биринчи даврни – табиатга инсоннинг оддий мослашиши ва унга қарамлиги, “оддий асбоблар ёрдамидаги қўл меҳнати”; иккинчи давр – ишлаб чиқариш кучларининг (асосан, ишлаб чиқариш воситаларининг) нисбатан ривожланиб, табиат устидан инсон ҳукмронлигининг кучайиши, «машиналар ёрдамида ишлаб чиқариш», учинчиси – ҳозирги вақтда “ишлаб чиқаришнинг автоматлашиб”, табиат ва инсон ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашган даврларга ажратиш мумкин.¹³ Экологиянинг иқтисодий муаммолари тадқиқодчиси П.Г.Олдак ҳам шу фикрни қувватлайди.¹⁴

Техноген цивилизация тарихини иқтисодий детерминизм нуқтаи назардан формацион даврлаштиришда: бир томондан, унинг ривожланиши хронологик жиҳатдан конкретлаштирилади, системалаштирилади ва мантиқий изчил изоҳланади. Иккинчи томондан, формацион таҳлилда, умуман тарихий ҳодисаларга, шу жумладан техноген цивилизацияга соф иқтисодий детерминистик ва утилитаристик ёндашувда унинг нисбий мустақиллиги эътибордан четда қолдирилади. Умуман, ижтимоий ҳодисалар ривожланишини ижтимоий-иқтисодий формацион таҳлил асосида муайян синфий манфаатлар устуворлигини эътироф қилиш ётади. Хусусан, техноген цивилизация мақсадини ҳам, уни амалга ошириш воситаларини ҳам, натижаларини ҳам, ижтимоий-сиёсий муносабатларни мафкуралаштириш муайян утилитар манфаатларга хизмат қилади.

Умуман, ҳар қандай жамиятда технологик маданиятнинг шакли ва мазмуни, техноген цивилизациянинг тарихий ривожланиш даражасига мос бўлиб, маълум маънода, ижтимоий-сиёсий муносабатлар характериға таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизацияни базис сифатида олиб қарайдиган бўлсак, барча тарихий даврда табиатни ва жамиятни ўзгартиришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни бартараф қилишга адекват маданият соҳалари ривожланишга шарт-шароит

¹³ В.А. Кобелянский./ Единство и соподчинённость природы и общества. В кн.: Взаимодействие общества и природы. Философско-методологические аспекты экологической проблемы. -М.: Наука, 1986.

¹⁴ Олдак П.Г. Колокол тревоги: Пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. -М.:Политиздат, 1990. С.155-157.

яратган. “Технологик инсон” бу муаммолар ечимини топишнинг цивилизациялашган усуллари ва воситаларидан фойдаланишда узок давом этган эволюцияни ўз бошидан кечирган. Ҳозирги техноген цивилизация босқичида инсон омилининг “табиат-жамият-шахс-техника-технология” тизимида антропоген, антропотехноген, антропополитик таъсирининг кучайиши ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларини ташкил қилишнинг мутлақо янги цивилизациялашган тамойилларини тақозо қилмоқда. Дарқақиқат, ҳозирги техноген цивилизациянинг асосий мақсади ва вазибалари мажмуасида (жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорлигини таъминлашида), унинг умумгуманистик моҳияти, демократик мазмуни ва истиқболи намоён бўлади.

Техноген цивилизация хусусиятларини инсониятнинг меҳнат тақсимооти ёки муайян географик яшаш макони билан боғлаб туркумлаштириш ҳам мажуд. Масалан, унинг социологик муаммолари тадқиқодчиси И.В.Бестужев-Лада “ижтимоий макон” хусусиятларини урбаноология нуқтаи назаридан туркумлаштириб, уларга мос равишда, “шаҳар синдроми” ва “қишлоқ синдроми” тушунчаларини фанга киритган.¹⁵ Шу методологик асосга кўра шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг ташкил қилиниш даражаси ва хусусиятларини, яъни “шаҳар синдроми”ни мутлоқлаштириш, айниқса уни қишлоқ техноген цивилизациясига қарши кўйиши ноўрин. Чунки шаҳар ва қишлоқ технологик маданияти ҳамда “техноген комфорт”нинг нисбийлиги ва шартли характери, умуман жамият техноген цивилизацияси даражасини белгилайдиган мезон ҳисобланади.

Техноген цивилизация глобаллашувининг тарихий тажрибалари шуни кўрсатадики, бу жараён дастлаб маҳаллий характерга эга бўлиб, эскалацияси натижасида таъсир ареалини кенгайтириб бориши билан умуминсоний характер касб этади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизациянинг локал ўчоқлари муайян географик-ижтимоий маконда (асосан, шаҳарларда)

¹⁵ Қаралсин: Бестужев-Лада И.В., М. 199 г. Ст. 170-171

вужудга келса ҳам, кейинчалик яшаш шароитлари ва фаолиятларидан қатъий назар, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши мумкин. Шунинг учун миллий техноген цивилизация натижалари глобаллашув потенциалига эга. Яъни миллий техноген цивилизация кадриятлари жаҳон цивилизацияси таркибий қисмига айланмоқда.

Юқорида кўрилган масалаларни умумлаштириб айтганда: **биринчидан**, техноген цивилизация босқичларини даврлаштиришнинг муқобил назарий ва амалий методлари мавжуд бўлиб, улар таркибида муаммога конкрет тарихий замон нуқтаи назаридан тизимли ёндашув муҳим илмий аҳамиятга эга; **иккинчидан**, техноген цивилизация глобаллашув тарихини даврлаштиришнинг умумфалсафий тамойиллари ва методлари илмийлигини белгиловчи мезон, уларнинг умуминсоният манфаатларига мослигидир; **учинчидан**, техноген цивилизация глобаллашуви, умуман инсоният интеллектуал салоҳияти, хусусан технологик маданияти интеграцияси натижаси бўлиб, кейинги ривожланиш тенденциясини белгилаб беради; **тўртинчидан**, турли давлатлар ва миллатларнинг техноген цивилизацияга кўшган ҳиссасини баҳолашда, уларнинг бошқа глобал муаммоларни ҳал қилишдаги халқаро муносабатлардаги иштирокини ҳам эътиборга олиш керак; **бешинчидан**, техноген цивилизация глобаллашуви тарихини туркумлаштиришда масалага “мақсад-восита-натижа” тизими контекстида комплекс-системали ёндашув, унинг илмийлигини таъминлаш шартидир.

III-БОБ. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ РОЛИ

Инсоният тарихида XVIII охири XIX аср бошлари, дастлаб Европа ва Америка қитъасида индустриал жамият қурилиши ва илмий-техника инқилоби бошланиши билан, том маънодаги, техноген цивилизация “архитектураси” шаклланиши: табиатшунослик, техника, технология ва бошқа фанлар ҳамда инсон интеллектуал салоҳиятининг ғоят ривожланиши натижаси бўлди. Ўз навбатида, бу жараён “анъанавий жамият”

парадигмаларини ҳам, инсон ҳаёт тарзини ҳам тубдан ўзгартириб, уни баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилди.

Техника прогресси ва технологиянинг ривожланиши: бир томондан, яратилган “сунъий муҳит” таъсирида инсоннинг: техникага қарамлиги, табиатдан бегоналашуви, истеъмолчилик, меркантилизм, эгоизм, индивидуализм психологияси шаклланишига, тарихий меросга нигилистик муносабатга, оила ва бошқа қон-қардошлик қадриятлар сўнишига ва анъанавий жамиятга хос бўлмаган бошқа девиант хулқ-атворлар вужудга келишига асос бўлди. Иккинчи томондан эса, меҳнат тақсимооти характеридаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва жараён интенсивлашуви, жамиятнинг юқори урбанизациялашув даражаси, инсон ижтимоий мобиллигининг кучайиши – ишчилар бўш вақтини кўпайтириб, интеллектуал салоҳияти, техник-технологик маданияти, ижодий фаолияти ривожланишига имконият яратди.

Шу билан бир қаторда, техноген цивилизация салбий оқибатларини бартараф қилиш ва вужудга келиши мумкин бўлган негатив ҳодисалар олдини олиш учун, қатор тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо қилди. Хусусан, табиатдан бегоналашувни – технологик маргинализмни бартараф қилиш учун техник ижодкорликнинг табиий-сунъий муҳитни яратиш – техник дизайн соҳаси ривожлантирилиб, катта ижодкорлик ишлари амалга оширилди. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг технологик маданиятини намоён қиладиган махсус маданият шакли вужудга келиб, уни табиатга “яқинлаштириш” имконияти вужудга келди.. Зеро, техник дизайн, фақат яратилаётган техник қурилмаларнинг “табиий хусусиятларини” сақлаб қолишга, балки “сунъий муҳитни” инсон табиатига мослаштириш технологиясини ҳам яратади.

Технологик маданият инсонга табиатнинг яширин, сирли моҳиятини англаб, техника прогрессини инсонпарварлаштиришга хизмат қилади. Техника ва илмий-техника прогрессининг потенциал имкониятлари: бир томондан, инсон омилидаги яратувчанликни намоён қилса, иккинчи томондан,

технологик маданиятининг стихияли ривожланиши: ижодий рух ва рационал тафаккур ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириши мумкин. Масалан, ҳозир Ғарб цивилизациясининг ижтимоий аномал-паталогик ҳодисалари сабабларини, шу зиддиятлар натижаси сифатида қараш керак.

Айниқса, технотрон цивилизациянинг ҳозирги ривожланиш босқичида технологик маданият субстанционал моҳияти инсоният ҳаётий эҳтиёжларини кондиринишда моддий жиҳатлар эмас, балки маънавий-руҳий кадриятларга эҳтиёж устуворлашуви билан характерланмоқда. Зеро, жаҳон ҳамжамиятининг, умуман дунёда, хусусан индустриал ривожланган давлатларда шиддат билан кескинлашаётган маънавий маданият инқирози оқибатлари ҳақидаги: алармистик, пессимистик футурологик хулосаларга қарамасдан, Шарқ ва Ғарбнинг умуминсоний кадриятлари интеграцияси асосида бутун дунё учун универсал маънавий маданиятни яратиш ҳақидаги назария тарафдорлари кўпайиб бориши тасодифий эмас. Шу билан бир қаторда, айрим оптимистик таълимотлар, тарихий тараққиётнинг тенденцияси мантиқий хулосаларига таянган ҳолда, айнан постиндустриал-ахборотлашган жамият технологик маданияти инсониятни муқаррар маънавий ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкинлигини башорат қилмоқдалар. Бу назарияларнинг аксарияти инсониятни глобал маънавий инқироздан олиб чиқишда диннинг ролини мутлақлаштириши, илоҳий қудратдан нажот кутиши билан характерланади. Лекин ҳозирги давр реаллиги маънавий тараққиётда дин омили ролини мутлақлаштириш бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Хусусан, диний фундаментализм, экстремизм, терроризмнинг асосий аргументини инсониятни маънавий инқироздан олиб чиқишга ҳаракат, деб асослашлари бу таълимотларнинг ғайри илмий ва утопистик характерини кўрсатади.

Бир қарашда эзгу ва беозор бўлиб кўринган бундай назарияларнинг мақсади ҳам, уларни амалга ошириш усул-воситалари ҳам гуманистик тамойилларга, умуминсоний ахлоқий нормаларга мутлақо зиддир. Зеро, техноген цивилизация (объект) ва технологик маданият (субъект)нинг

корреляцион алоқадорлигида: бир томондан, технологик маданият субъекти ўз хусусий-индивидуал манфаатларидан воз кечиши орқали ижтимоий фаолиятида умумийликни намоеън қилади. Иккинчи томондан, ҳар қандай фаолият объекти, унга салбий таъсир қилувчи фақат ташқи кучлардан эмас, балки ички субъективлик устуворлигидан ҳам воз кечишни тақозо қилади. Чунки бу жараёнда технологик маданият субъектининг фаолияти, унинг эҳтиёжи ва мақсади мазмунига адекват тарзда объективлашади ҳамда ижтимоийлашади.

Техноген цивилизация ва технологик маданиятнинг ўзаро тақозоланиши натижасида инсон: ўз моддий борлиғи моҳиятини билиш – (онтологик), маънавий ҳаёти мазмунини англаш – (гносеологик), дунёни ўзгартириш усул-воситаларини топиш – (методологик), борликни рационал ўзгартириш – (праксиологик), цивилизация келажагини башорат қилиш – (футурологик), технологик маданият таълими ва тарбияси (педагогик-дидактик) ва бошқа фаолият йўналишларида ўзи яшаётган моддий ва маънавий дунёни қайта куриши мумкин. Лекин, техноген цивилизация ва технологик маданият алоқадорлиги диалектикасида, образли қилиб айтганда, техноген цивилизация – инсониятни калтабинлиги учун “жазолаш” усули ва воситаси, технологик маданият эса – инсоннинг конструктив-рационал ижодий фаолиятини, динамик ўзгараётган ижтимоий ва табиий муҳитга мослашиш қобилиятини рағбатлантирувчи потенциал имконият сифатида баҳоланиши керак.

Бу “антиподнинг” асосида меҳнат ётиши, уларнинг умумийлигини кўрсатади. Зеро, техноген цивилизация ҳам, технологик маданият ҳам, меҳнат натижасидир. Бунда меҳнатнинг янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишдаги “фойдалилиги коэффициенти индексини” аниқлашда унинг, том маънодаги, умуминсоният цивилизацияси манфаатига мослиги асосий мезон бўлиши керак.

Меҳнатни техноген цивилизация ва технологик маданият субъекти – инсон фаолияти сифатида қарайдиган бўлсак: бир томондан, унинг: онги, тафаккури, билими, ўзлигини англаши, иродаси, эҳтиёжи, қизиқишлари,

мақсадини белгиладиган умумий интеллектуал салоҳияти; иккинчи томондан, амалий кўникмалари, малакаси, таланти, қобилияти асоси бўлган ижтимоий тажриба тарихини ўрганиш ва ижодий ривожлантиришига боғлиқлигини кўрамиз. Бунда ижодкорлик маънавий ҳодиса бўлиб: билимга, фанга, маданиятга таянганлиги учун юқори маънавий ва моддий маданият кадриятларини яратиш жараёни ҳисобланади.

Меҳнатнинг юқорида кўрсатилган жиҳатлари бирлиги асосида яратилган техника эса, муайян мақсадга эришиш (асосан, табиатни инсон эҳтиёжларини қондириш, унга оптимал ҳаёт шароитини яратиш ва ўзлаштириш) учун яратилган меҳнат қуроли ёки воситаси ҳисобланади. Унинг самарадорлиги, умуман субъект интеллектуал салоҳияти, хусусан технологик маданияти даражасига боғлиқдир.

Шу ўринда ҳозирги постиндустриал-ахборотлашган жамиятда техниканинг детерминлаштирувчи ролини мутлақлаштириб, инсон унинг “қулига” айланиб қолганлиги ҳақидаги: пессимистик, скептик, фаталистик, ҳатто алармистик назарияларнинг муайян доирада чекланиб қолаётганлигини айтиш жоиз. Чунки инсон, техноген цивилизациянинг асосий компоненти бўлган: техниканинг мазмунини ҳам, функционал йўналишини ҳам, аҳамиятини ҳам, белгилайди. Яъни ўз яратувчисидан, энергия билан таъминлаш манбаси – Ҳазрати инсондан юқори қўйилган техника (ҳатто, юқори даражада конструктив мукамал ва “ақлли” бўлса ҳам), инсон қўлида оддий “қўғирчоқ” бўлиб қолаверади.

Шунинг учун, кейинги вақтларда махсус илмий адабиётларда нисбатан кенг тарқалган: “дастлаб инсон техниканинг моҳияти, мавжудлиги субстанцияси эди, ҳозир эса, аксарият ҳолатларда, унинг оддий: “техник”, “социал”, “сиёсий”, “ахборот” воситаси бўлиб қолмоқда”¹⁶, деган хулоса мунозаралидир. Умуман техникани, рационал ва иррационал жиҳатларига кўра, инсондан юқори қўйиш ножоиз.

¹⁶ Қаранг: <http://www.utopiya.spb.ru> (2016.02.14 кўчириб олинган)

Инсон ҳар қандай мукаммал техник воситасини яратиши билан ўзидан мутлақ бегоналашмайди, балки моҳиятини вазиятга мос тарзда ўзгартиради. Агар инсон моҳиятини бирламчи, иккиламчи ва бошқа даражаларда мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, шахс идентификациясида маънавий омилларга – мифологияга, тарихий анъаналарга, динга, фалсафага, санъатга, ҳуқуққа, тилга, сиёсатга, маданий меросга ва бошқа цивилизация компонентларига муносабати характеридан, унинг: типини ҳам, ривожланиш даражасини ҳам, “сифатини” ҳам (А.Печчеи) аниқлаш мумкин. Лекин бунда шахснинг ижтимоий ва табиий вазиятга мослашиш имконият потенциали индивидуаллигини ҳам эътиборга олиш керак.

Инсоннинг ўзини ўраб турган табиий муҳити ва ижтимоий вазияти объектив ривожланиш қонуниятларини билиш ва оқилона ўзгартириши жараёнида, маданиятнинг: ҳам объекти, ҳам субъекти мақомини доимий сақлаб қолиши – шахснинг эркинлигини англашига ва амалда ҳимоя қилиш фаолиятига боғлиқ бўлади. Зеро, бир томондан, эркинлик – инсоннинг дунёдаги ўрнини англашига, яшаш имкониятини реалликка айлантиришига ва қадрият мўлжалларини белгилашига имконият яратади. Лекин, иккинчи томондан, инсоннинг эркинликни мутлақлаштириши ва суистеъмол қилиши, цивилизациялар натижаларини йўққа чиқариши мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Ҳар қандай цивилизация, шу жумладан техноген цивилизациянинг умумий ривожланиш қонунияти, уларнинг маънавий маданият тизимига эҳтиёжи ошиб боришида намоён бўлади. Бу эҳтиёжнинг динамик ривожланиши “технологик маданият одами”ни, шахс “технологик маданияти сифатини” шакллантиришни устувор вазифа қилиб қўймоқда. Зеро, ҳозирги тарихий тараққиёт мантиғи постиндустриал-ахборотлашган цивилизацияда “технологик маданият одами”гина “табиат-жамият-инсон-техника-технология” тизими зиддиятларини бартараф қилиши ва цивилизация натижаларини сақлаб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат фақат, умуман инсоният маданияти тарихини, хусусан дунё халқлари технологик маънавий маданиятини ҳар томонлама ижодий ўзлаштирган одамгина, техноген цивилизация ва технократиянинг негатив оқибатлари таъсиридан ўзининг инсонлик моҳиятини сақлаб қолиши мумкин. Чунки жамиятнинг табиий ва сунъий оламлари муносабатида пайдо бўлган аномал-патологик ҳолати – “мутант” ижтимоий ҳодисаларни: маргинал, манқурт инсонни вужудга келтирмоқда ва уларнинг популяциясини кучайтирмоқда.

Техноген, технотрон цивилизация глобаллашувининг хавфи фақат шу билан чегараланиб қолган эмас. Яъни ҳозир умуминсоният маданияти: ғарбда ҳам, шарқда ҳам, техноген цивилизация нобоплиги, технологик маданият ношудлиги сабабларига кўра чуқур инқирозни бошдан кечирмоқда, анъанавий кадриятлар “деваливацияга” учрамоқда. Бу инқирознинг ҳозирги қўлами ва эскалацияси тенденцияси жамият: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт соҳаларини қамраб олиши билан комплекс-универсал характер касб этмоқда. Жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларида, ижтимоий онг шаклларида ва институтлари тизимидаги ўзгаришлар, кишиларни цивилизациянинг мазмун-моҳиятидан, тарихий аҳамиятидан шубҳаланишга олиб келмоқда. Айниқса, дунёда техноген цивилизация натижасида пайдо бўлган: ижтимоий бегоналашув, эгоизм, индивидуализм, этноэгоцентризм, ксенофобия, космополитизм, анъанавий ахлоқ нормалари ва оила институти инқирози ва бошқа ижтимоий иллатлар цивилизация мезонларини ҳам, тамойилларини ҳам, қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Айниқса, бир томондан, дунёда XX аср охири ва XXI аср бошларида вужудга келган мураккаб геосиёсий вазият, кескинлашаётган глобал муаммолар комплекси бевосита шу инқирозларнинг натижаси бўлди ва истисносиз барча давлатларни қамраб олмоқда. Иккинчи томондан, глобал муаммоларни маънавий-маданий инқирозлар сабаби сифатида қараш керак. Бу жараён америкалик йирик социолог олим Питрим Сорокин таъбири билан айтганда, дунёда маданият шакллари ва жамиятлар ўзгариши, ҳиссиётнинг

эмпирик дунёси ва идеалистик маданият сферасини – улуғвор ҳиссий маданият синтезини яратмоқда.

П.Сорокиннинг бу концепциясига кўра, ҳозирги замонда: демократия ва тоталитаризм, эркинлик ва деспотизм, капитализм ва коммунизм, пацифизм ва милитаризм, интернационализм ва национализм қарама қаршилиги асосий муаммо эмас, балки, асосий масала, ҳиссий маданият шакллари ва ҳаёт тарзининг бошқа маданият ва ҳаёт тарзи шаклларига қарама қаршиликдир. Унинг фикрича, Ғарб жамиятидаги ҳозирги маданий инқироз янги интеграцияни ва янги маданиятни – идеалистик, идеационал маданиятни вужудга келтиради.

Муайян мунозарали ўрни бўлишига қарамай, бу концепциянинг рационал мазмунини: бир томондан, инсоният техноген цивилизация ютуқларидан фойдаланаётган ҳозирги даврда оғир ва кескинлашиш тенденциясига эга бўлган инқирозни ўз бошидан кечириётганлигини; иккинчи томондан, бундай шароитда инсониятнинг учинчи минг йилликда: яшаши, ўзлигини ва цивилизацияси натижаларини сақлаб қолиши учун маънавий-маданий дунёсини – позитив қадриятлари тизимини, умуминсоний маънавий-ахлоқий нормаларини, гуманистик-демократик тамойилларини ривожлантиришга муқобил йўл йўқлигини эътироф этиши ташкил қилади.

Юқорида кўрсатилганларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, бу вазифаларни амалда бажаришга эришиш учун, дунё давлатларининг, умуман маданиятни, хусусан технологик маънавий маданиятни ривожлантиришга мутасадди институтлари фаолиятларида: буюк давлатчилик шовинизми, эгоистик, этноэгоцентристик, ҳамма соҳада гегемонликка интилиш стереотипларидан воз кечиб, замон талабларига мос тарзда, уйғунлаштиришнинг цивилизациялашган усул-воситаларини топишда инсон омили ролини ривожлантириш тақозо қилинади.

Техноген цивилизациянинг намоён бўлиш шакли – технологик маданият шаклланиши ва ривожланиши – инсон омили, айниқса: муҳандислар, мутахассислар, техника, табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фан

олимларининг интегратив ижодий фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун технологик маданиятнинг комплекс-системалигини ва жамият ва шахс ривожланишига универсал таъсир қилиш функционал аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда: **биринчидан**, ҳар бир давлатда технологик маданият тарихини ўрганиш, миллий технологик маънавий-маданий меросни халқаро миқёсда тарғибот-ташвиқот қилиш учун ахборотлар банкини, мутахассислар тайёрлашни ташкиллаштириш ва уларнинг алмашувини йўлга қўйиш; **иккинчидан**, умуминсоният технологик маданият тарихий мероси трансформацияси инфраструктураси ва коммуникациясини ривожлантириш соҳасида халқаро институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш учун халқаро жамоатчилик кенгашини ташкил этиш; **учинчидан**, технологик маданият дифференциялашиши натижасида вужудга келган турли йўналишларининг ўзаро корреляцион алоқадорлигини ва тўлдирувчанлигини эътиборга олган ҳолда, уларнинг интеграциялашиш имкониятларини қидириб топиш; **тўртинчидан**, жамият ва шахс технологик маданиятини ривожлантиришга мутасадди институтлар ва субъектларининг: этно-демографик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, конфессионал структуравий тузилишидан қатъий назар, уларнинг потенциал имкониятларини бирлаштириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш; **бешинчидан**, технологик маданиятнинг илғор наъмуналарини оммавийлаштириш усул ва воситаларини, коммуникация системасини вужудга келтириш масалаларини ҳал қилиш, кун тартибига қўйилмоқда.

Бу тамойиллар ҳозирги замон техноген цивилизацияси, технологик маданиятининг мавжудлик ҳолатини, ривожланиш қонуниятларини илмий билиш жараёнида, турли фанлар интеграцияси ва дифференцияси диалектикаси, фанлараро ва махсус тадқиқотлар бирлиги, қуйидаги асосий тенденцияларини намоён қилмоқда, яъни умумлаштириб айтганда:

биринчидан, техноген цивилизация ва технологик маданият ривожланишининг тарихий-ретроспектив асослари илмий дунёқарашни шакллантириш шартидир. Яъни техноген цивилизация ва технологик

маданият асосини ташкил қиладиган муқобил назарияларни, тарихий анъаналарни ривожлантириш: ҳам умуминсоний, ҳам миллий **технологик дунёқараш** тизимини шакллантирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация ва технологик маданият тарихи “табиат-жамият-инсон-техника-технология” тизими элементларининг муносабатларни ўрганувчи фанлар тарихига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлади;

иккинчидан, ҳозирги замонда фанларнинг дифференциаллашуви жараёнида турли: табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларида техноген цивилизация ва технологик маданият тарихига боғлиқ жиҳатлар ажралиб чиқмоқда. Уларнинг нисбатан мустақил тадқиқот йўналиши мақомига эга бўлиши: **бир томондан**, техноген цивилизация мазмун-моҳияти, характери ўзгариши билан технологик маданият ривожланиш даражаси ўртасидаги “тўғри” ва “қайтар” боғланиш – корреляцион алоқадорликни ўрганишга эҳтиёж кучайиши; **иккинчи томондан**, техноген цивилизация ва технологик маданиятни ривожлантириш муаммоларининг: ижтимоий, фалсафий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа жиҳатларини ўрганувчи фанлар кооперациясига туртки бериши билан характерланади;

учинчидан, ҳозирги замон техноген цивилизацияси ва технологик маданияти ривожланиш тарихи тадқиқотига турли фанлар комплекси ёки йўналишларининг жалб қилиниши, билиш объекти универсаллиги ва мураккаблиги билан изоҳланади. Зеро, техноген цивилизация ва технологик маданият глобаллашуви уларни ўрганувчи фанлар тизимида: инсоннинг узлуксиз ўзгариб бораётган табиий-ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабат қонуниятларини, ижтимоий ва табиий борлиққа жисмоний ва руҳий мослашиш имкониятларини, технократик потенциалини, технологик салоҳияти ва маданий савиясини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этувчи илмий билиш соҳалари киради.

тўртинчидан, умуман цивилизациялар ва маданиятлар тарихи, хусусан, техноген цивилизация ва технологик маданият тарихи қамрови кенглиги – тадқиқот объектига фанлараро комплекс-системали, тарихий-

мантиқий ёндашувни тақозо қилади. Лекин илмий муаммонинг: маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал хусусиятларини илмий билиш жараёнида, уларни фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик категорияси контекстида фундаментал-назарий тадқиқ қилиш, конкрет илмий хулосалар чиқаришга асос бўлади.

IV-БОБ. ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ МЕРОСГА ВОРИСЛИК МУНОСАБАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Техноген цивилизация атрибути бўлган ахборотлашиш жараёнининг кучайиши, унинг глобаллашиш тарихини ўрганишга доир маълумотлар базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга қўра, миллий техноген цивилизацияни шакллантиришда тарихий мероснинг ўрнини, унга ворислик муносабатларини ижодий ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг илмий-назарий, методологик асосларини умумлаштириш имконияти яратилмоқда. Зеро, замонавий техноген цивилизация учун энг қадимги тарихий қадриятларимиз мероси ҳам ғоят зарур эканлигини англаб етмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, миллий техноген цивилизация тарихини ўрганишга доир муаммоларни ва истиқболда глобаллашувга мос амалий фаолиятларимизни ташкиллаштириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликнинг муҳим шартидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: “тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”¹⁷, - деб таъкидлаган эди.

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 97 бет.

Ҳозирги даврда ижтимоий-маънавий ҳодисалар тенденциясини, шу жумладан техноген цивилизация глобаллашувининг моддий ва маънавий асослари мустақамлигини, объектив ва субъектив омиллари самарадорлигини тарихий шаклланган: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ғоялар, назариялар ва уларни амалга ошириш усуллари белгилайди. Шунинг учун ҳар қандай тарихий ҳодиса унинг назарияси, методологияси ва амалиёти тарихини комплекс-системали тарзда тадқиқ қилишни талаб қилади. Айниқса, глобал муаммолар комплекси шаклланиб, уларнинг ўзаро тақозоланиши кучайиб кетаётган ҳозирги шароитда, аждодларимиз томонидан яратилган техноген цивилизацияга доир бой моддий ва маънавий меросни тиклаш ва ижодий ривожлантириш вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

Бу вазифаларнинг умумфалсафий-методологик аҳамияти, дунёдаги ҳар бир халқ, миллат ва давлатнинг маънавий-маданий тараққиёти ўзига хос реал ижтимоий-тарихий асосларига мос тарзда ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини ва шу муаммолар ечимини топишга боғлиқлигини назарий жиҳатдан асослаши билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳбарлигида халқимиз тарихий хотирасини, маданий меросини тиклашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар бугунги тараққиётимизда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, техноген цивилизация тарихига оид маданий мерос – ҳар қандай миллатнинг аждодлари томонидан муайян эҳтиёжлари асосида яратилиб, авлодлар ижтимоий ҳаёти давомида ижодий ривожланиб боровчи моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

Техноген цивилизация тарихий меросининг конкрет инсон, миллат, жамият ҳаёти учун аҳамияти, унинг миллий маданият соҳалари ривожланиш даражасини белгиловчи мезонга – *(таққосланувчи асосга)*, детерминлаштирувчи омилга – *(ҳаракатлантирувчи механизмга)*, истикбол мўлжалларига – *(потенциал идеалга)* айланиши билан изоҳланади. Яъни “ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маданий мерос яратади. Маданий меросга қараб

давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади. Маданий мерос қандай бўлса, давр ва авлодлар ҳам шундай бўлади”¹⁸. Лекин бу масалада *маданий меросга муносабат* алоҳида аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация тарихий меросининг миллий ва умуминсоний қадрият мақоми, уларга нисбатан (айниқса, тарихий қадриятларга нигилистик ёндашув устуворлашаётган ҳозирги шароитда) авлодларнинг онгли, ижодий ворислик муносабатларини шакллантириш билан мустаҳкамланиши мумкин.

Техноген цивилизация глобаллашувининг тарихий манбаларини, унинг назарий муаммолари ва амалий тажрибаларини жамият умумий тараққиёти контекстида комплекс-системали таҳлил қилиш, нисбатан тўлиқ илмий тасаввурлар шаклланишига асос бўлади. Чунки техноген цивилизация глобаллашувининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари конкрет тарихий даврнинг ўзига хос ижтимоий эҳтиёжлари ва потенциал имкониятлари билан белгиланади. Уларни муайян сиёсий манфаатларга кўра мутлақлаштириш ёки, аксинча, эътибордан четда қолдириш эса, маданий меросни муайян ғоявий-мафкуравий мезонлар асосида баҳолаш натижасидир. Хусусан, мустабид тизимда миллий меросимизга муносабат ҳукмрон сиёсий партиянинг коммунистик мафкураси манфаати ва мақсадлари асосида белгиланган. Яъни мустабид тизим “қизил империя” таркибидаги миллатлар тарихини ўз манфаатларига мос тарзда, сохталаштириб, қайта ёзиб ундан мустамлакачилик мақсадларида фойдаланиш сиёсатини амалга оширган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йиллари мамлакатимизда халқимизга миллий ўзлигини англашиб, руҳий-маънавий юксалтириш учун тарихий меросимизни тиклаш ва ижодий ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий

¹⁸ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 1998. - 102 бет.

меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹⁹, деб ёзган эди.

Халқимиз тарихий меросининг, умуман жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги, хусусан миллий техноген цивилизация глобаллашувидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Бунда миллий маданий меросимизнинг умуминсоний кадриятлар билан интеграциялашиш хусусиятларини, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараёнларга таъсири имкониятларини, йўналишларини ва механизмларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг маданий меросни ўрганиш хусусидаги методологик тавсияларига, назарий хулосаларига, айниқса, “маданий меросни, олис ўтмишни чуқур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин, бунда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятни хаспўшлаш ҳам, идеаллаштириш ҳам, мумкин эмас”²⁰, деган фикрига қатъий амал қилиш зарур.

Инсоният ижтимоий тараққиётининг барча йўналишлари каби техноген цивилизация ҳам, маданиятнинг тарихий шаклланган тизими билан ўзаро алоқадорликда ривожланади. Техноген цивилизациянинг нисбатан юқори ривожланиш даражаси глобаллашувига имконият бўлса, тарихий меросига ворислик муносабатлари жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграцияси, унга шарт-шароит яратади. Шу боисдан ҳам техноген цивилизацияни ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётнинг асосий белгиси, ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири, деб ҳисоблашда тарихий меросга ворисликни алоҳида эътиборга олиш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият ижтимоий бирликларининг техноген цивилизация глобаллашувига “адаптацион потенциали” шаклланишида ҳам тарихий мерос муҳим роль ўйнайди. Чунки тарихий мерос,

¹⁹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. -Т.:Ўзбекистон, 1997. 125 бет.

²⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи (Учинчи китоб). -Т.: Шарқ, 2000. 379-380 бетлар.

миллатнинг маънавий-руҳий жиҳатдан узлуксиз ривожланиши жараёнида, унинг янги ҳодисаларга “кўникиш эффеќтини” шакллантиради. Буни эса, ҳар қандай халқнинг муҳим “ментал хусусияти” сифатида баҳолаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда миллатнинг тарихий меросига ворислик муносабатларидаги “консервативлик”, унга нигилистик ёндашувга доимо зид бўлган²¹. Яъни, умуман ижтимоий ҳодисаларга, хусусан техноген цивилизация глобаллашувига муносабатдаги консервативликни ҳамма вақт ҳам салбий ҳодиса деб баҳолаш, бизнинг назаримизда ғализ хулоса ҳисобланади.

Тарихий меросга ворислик ватанпарварлик туйғусини шакллантириш имконияти, усули, воситасидир. Инсон учун табиий, ирсий бўлган миллий туйғу²² ҳам асрлар давомида, тарихнинг тақозоси билан сўниб ёки жўш уриб турган. Унинг бу ҳолатлари миллий ғурурда намоён бўлиб, миллат тарихий тараққиётнинг ёрқин ёки қоронғу саҳифаларини ташкил қилишда муҳим роль ўйнаган. Лекин инсон миллий туйғуси ва ғурури (миллат атрибути сифатида объектив ижтимоий ҳодиса бўлса ҳам), жамият маънавий-маърифий институтларнинг тарихий меросни: “селекция қилиш”, сақлаш, ривожлантириш фаолиятлари асосида шаклланади ва юқорида айтганимиздек, жамият субъектларини глобал цивилизацияга тайёрлаб боради.

Бунда инсонларнинг тарихий меросга ворислик муносабати техноген цивилизация глобаллашувига асос бўлган: 1) объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар – (*ижтимоий-руҳий муҳит*); 2) аждодлар тарихий меросини ва ҳаёт тажрибасини ўзлаштириш – (*ретроспектив асос*); 3) илм-фан, маърифат, таълим-тарбия – (*интеллектуал имконият*); турли оммавий ва сиёсий ташкилотларнинг ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолияти – (*институционал тизим*) каби омиллар ва асослар ёрдамида шаклланади.

²¹ Бу ерда “консервативликни” толерантлик маъносида тушуниш керак, чунки тарихий меросни қандай бўлса шундай қабул қилиш ҳам ёки уни тубдан ўзгартириш ҳам, салбий ижтимоий оқибатларга олиб келади.

²² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 84 бет.

Шунингдек, техноген цивилизация глобаллашуви тарихий меросни ижодий ривожлантиришнинг назарий, методологик ва амалий фаолият кўлами ҳамда даражаси билан белгиланади. Яъни, бир томондан, техноген цивилизация глобаллашувининг ҳар қандай даражаси (ижтимоий онг шакллари ва маданиятлараро интегратив ривожланишининг натижаси сифатида) инсон, миллат, жамият ва давлат тараққиётига хизмат қилади. Иккинчи томондан, техноген цивилизация ривожланиши ва глобаллашуви билан дунё мамлакатларидаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий барқарор тараққиёт ўртасида корреляцион боғлиқлик, диалектик алоқадорлик кучаяди ва умуминсоний манфаатдорлик намоён бўлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз яратган бой моддий-маънавий мерослар тикланиб, ривожланишидан, нафақат бу ерда яшаётган миллат ва элат вакиллари, балки дунё халқлари ҳам манфаатдордир. Зеро, мамлакатимизнинг ҳам моддий-иқтисодий, ҳам руҳий-маънавий жиҳатлардан янгиланишига шу ижтимоий маконни Ватан қилган барча халқ ва этник бирликларнинг асрлар давомида шаклланган ва интеграциялашган тарихий мероси, интеллектуал салоҳияти асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда техноген цивилизациянинг бугунги даражаси ва унинг истиқболи ўзбек халқи томонидан яратилган моддий-техник, маънавий-маданий меросини ижодий ривожлантириш, умуминсоний тарихий қадриятларни, замонавий илм-фан ва техника ютуқларини ўзлаштиришга боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган аксиоматик ҳақиқатлиги маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда яшаётган халқлар томонидан минг йиллар давомида шакллантирилган техноген цивилизация тарихини барча ижтимоий қатламлар ўрганиб, унинг қадриятларини ўзлаштиришлари ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари фуқаролик бурчи даражасига кўтарилиши керак.

Дарҳақиқат, муайян Ватанда яшаётган этник бирликларга ҳурмат, аввало, унинг титул миллати тарихий меросига, анъаналарига, урф-одатларига, қадриятларига муносабатида намоён бўлади. Бошқача қилиб

айтганда, этник мансублиги, иқтисодий аҳволи, сиёсий мавқеи, диний эътиқодидан қатъий назар, Ўзбекистонда туғилиб, шу ерни Ватан деб билган ҳар қандай фуқаронинг ўзбек миллати қадриятларига муносабати – умуминсоният манфаатларидаги умумийликни ифодалайди. Аксинча, бошқа миллат тарихий меросига беписандлик ёки лоқайдлик этноэгоистик, этноцентистик кайфиятнинг намоён бўлишидир. Умуман, ҳар бир кишининг ўзи яшаётган Ватандаги миллий ва умуминсоний тарихий қадриятлар интеграциясидаги фаол иштироки, унинг фуқаролик (гражданлик) позициясини баҳолаш мезони бўлиши керак. Чунки инсоннинг бошқа миллат маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, тарихий анъаналарни билиши, ижтимоий-маънавий моҳияти ва аҳамиятини англаши цивилизациялар натижаси сифатида эътироф қилишга муносиб. Шунинг учун, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан техноген цивилизация глобаллашуви жараёнида тарихий меросга ворислик ва уни ижодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-сиёсий фанларнинг илмий хулосаларига кўра, техноген цивилизация глобаллашуви, бир томондан, тарихий мероснинг ижодий ривожлантирилиб, авлодларга трансформацияси натижаси бўлса, иккинчи томондан, у бошқа миллатлар тарихий меросининг универсаллашувини ифодалайди. Бу жараёнларнинг ўзаро муносабатлари глобал онг ва маданият тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Агар масалага инсонлар ҳаёт тарзи ва маънавий-руҳий ментал хусусиятларининг миллий характери индивидуаллиги контекстида ёндашилса, техноген цивилизация натижасида унинг аجدодлардан авлодларга, фақат тарихий мерос орқали трансформация қилиниши маълум бўлади. Чунки ўз миллати қадриятларини билмайдиган ва уларга амал қилмайдиган одамда миллий онг ҳам, тарихий хотира ҳам, шаклланимайди. Миллий онг ва тарихий хотирасиз эса, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан глобал техноген цивилизациянинг бўлиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, миллий техноген цивилизация шаклланиши ва глобал

жараёнларга интеграциялашувида тарихий мероснинг аҳамиятини билиш ва уни қадрлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, турли даврларда яшаган аجدодларимизнинг тарихий меросига муносабати миллатнинг онг ва тафаккури, миллий ўзликка ишончи ва эътиқоди, илмий билими ва интеллектуал салоҳияти, амалий малака ва кўникмалари ривожланиш даражасига адекват бўлган. Бу эса, ўз навбатида, кишиларда миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғусини, тарихий хотирасини шакллантиришнинг асосини ташкил қилган. Маълумки, ҳар қандай миллий цивилизация даражасини миллатнинг тарихий маданий мероси ва маънавий қадриятларига эҳтиёжи, уни ўзлаштириш имкониятлари, руҳий-маънавий савияси, дунёқараши, эстетик онги, ахлоқий меъёрлари белгилайди.

Тарихий мерос инсонларга ўтмишдан сабоқ олиб келажакни идрок қилишга ва келажак стратегиясини белгилашга ёрдам беради. Шунингдек, улар муайян миллатнинг ўзига хос руҳий-маънавий дунёсини, ижтимоий қиёфасини, ҳаёт ва тафаккур тарзини, қадриятларини реал тарихий фактларда ифодалаши билан объектив характерга эга. Зеро, бу ҳақиқатни айрим одамлар қандай талқин қилишларига қарамасдан, унинг объектив мазмун-моҳияти ўзгармайди. Шунинг учун ўтмиш тарихнинг меросини – моддий ва маънавий маданиятни оммага трансформация қилиш жамият техноген цивилизацияси тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, темурийлар салтанати инқирози минтақада “маънавий-маданий турғунлик”ни ва унинг натижси бўлган янги мустамлакачилик даврларини бошлаб берди²³. Цивилизация ўчоқларининг Ғарбга, хусусан Европага “кўчиши” ва ижтимоий, иқтисодий, маданий юксалиш натижасида,

²³ Ҳозиргача, аксарият мавжуд адабиётларда айрим халқлар ва миллатларнинг мустамлакачилик сиртмоғига тушишига, асосан иқтисодий-сиёсий сабаблар детерминлаштирувчи омил қилиб кўрсатилади. Ваҳоланки, унинг асосий сабабини миллат миллий ғурури ва тарихий хотираси сўнишидан – маънавий омилдан қидириш керак. Бу ҳақда Ислом Каримов “XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узокни кўролмаслиги, **маънавий заифлиги оқибатида** (таъкид бизники) рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди. Бу аччиқ ҳақиқат барчамизга, айниқса, бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши лозим”, деб ёзган. (Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. -51-52 бетлар)

умуман Шарқ цивилизациясига муносабатда бир-бирига тубдан қарама қарши икки йўналиш шаклланди.

Биринчи йўналишда Шарқ цивилизацияси тарихини ўрганиш ва баҳолаш мезонларига муносабат тубдан ўзгарди. Яъни, юқорида айтганимиздек, ўзбек халқи маънавий-маданий меросини, улуғ алломалари асарларини ғарбда шаклланган янги давр руҳи контекстида қиёсий таҳлил ва талқин этиш натижасида Шарқ тарихий меросини архаик ва консерватив, деб баҳоловчи “европацентризм” оқими вужудга келди. Хусусан, славянофиллик фалсафасида В.С.Соловьев (1853-1900) ўзининг “Три сили” (Уч кудрат) деган асарида Шарқ халқлари маданияти тарихи ҳақида: “мусулмон дунёсида, нафсламбрини айтганда, ижобий фан ҳам, фалсафа ҳам, ҳақиқий теология ҳам, мутлақо мавжуд эмас, балки Куръоннинг қандайдир қашшоқ догмалари қоришмаси мавжуд бўлиб, греклардан олинган, қандайдир фалсафий тушунчалар, эмпирик маълумотлар йиғиндисидан иборат”²⁴ нисбатан устувор мавқега эга бўлган ва ўтмиш меросимиз ҳақида холис, объектив тасаввур шаклланиши учун имкон бермаган.

Иккинчи йўналишда Ғарб цивилизациясининг салбий оқибатлари, айниқса этикологик инқироз шарқона кадриятларни қайта баҳолаб, унинг тамойилларини ўзлаштиришга интилиш билан характерланади. Бошқача қилиб айтганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Шарқ маънавий маданиятининг тарихий меросини, уларнинг ҳақиқий гуманистик мазмун-моҳиятини, илоҳий-маънавий қудратини европача прагматизм ва рационализм билан интеграциялаштириш цивилизация истиқболларини таъминлаш асоси сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, инсоният тарихида Шарқ алломалари яратган фалсафий мерос Ғарб руҳи ва тафаккури парадигмаларга “мос келмаса ҳам” уларни қабул қилишга ҳаракат кучаймоқда.

Афсуски, ўзимиз ҳам мустамлакачилик даврида, сиёсий қарамлик шароитида маънавий-маданий ва фалсафий меросимизни ҳақиқий тарихий

²⁴ Соловьев С.С. Избранное. М., “Советская Россия”, 1990. –С.45.

манбалардан эмас, балки ҳукумрон мафкура буюртмаси асосида сохталаштирилган тарих дарсликларидан ўрганишимиз натижасида миллий онг ва тафаккуримизда, маънавий-руҳий қиёфамизда кўплаб салбий иллатлар шаклланди.

Хулоса қилиб айтганда: *биринчидан*, ҳар бир миллатнинг техноген цивилизацияси асосини ташкил қиладиган реал ижтимоий-тарихий мероси мавжуд ва уни ижодий ривожлантириш ҳамда ўзлаштириш усул-воситалари индивидуал характерга эга; *иккинчидан*, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса, шу жумладан техноген цивилизация ривожланиш даражасини миллий тарихий меросни, маънавий қадриятларни сақлаш ва оммага трансформация қилиш имкониятлари белгилаб беради; *учинчидан*, тарихий меросимизни мустақиллик, миллий барқарор тараққиёт манфаатлари ва техноген цивилизация истиқболлари амалий масалалари билан боғлаш янгича парадигмалар, тамойиллар шаклланишига олиб келмоқда; *тўртинчидан*, Ўзбекистонда шаклланган техноген цивилизация умуминсоният тарихий тараққиёти таркибий қисми, субъекти сифатида дунёнинг цивилизациялашган манзарасида ўз географик ўрнига эга; *бешинчидан*, ҳар қандай ижтимоий-маънавий ҳодиса, хусусан техноген цивилизация муайян тарихий асослар – объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида ривожланади. Шу боис, уларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга; *олтинчидан*, халқимиз ўтмишида ва ҳозирги ҳаётида яратилаётган маънавий-маданий қадриятлар интеграциялашуви ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида техноген цивилизация парадигмалари ва тамойиллари универсаллашувига олиб келмоқда.

V-БОБ. ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙЎУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Техноген цивилизациянинг ҳозирги босқичида жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатлари интеграциялашуви ва глобаллашуви универсал умуминсоний қадриятлар шаклланишига олиб келмоқда. Шунингдек, бу жараёнда, қадриятлардаги миллийлик шартли ва хусусий ҳолга айланиб, умуминсоний тамойиллар устуворлашмоқда. Лекин, глобаллашув шароитида, миллатларнинг ўзаро ассимиляциялашиб, миллий кифоаси йўқолиб кетишига қарши: ўзлигини англаш, тарихий хотирасини тиклаш, ўз-ўзини сақлаш “ижтимоий рефлекс ва инстинкти” ҳам кучаймоқда. Бу ҳодисани, умуман цивилизация, хусусан техноген цивилизациянинг шarti ва оқибати сифатида қараш керак. Шунинг учун ҳам техноген цивилизация глобаллашуви тарихида миллийлик ва умуминсонийликнинг диалектик алоқадорлиги қонуниятларини ўрганиш, назарий ва амалий жиҳатдан, муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашуви техноген цивилизация тараққиёти конкрет босқичини, унинг мазмуни, моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини белгиловчи омилдир.

Турли миллат ва элатлар, шу жумладан ўзбек халқи техноген цивилизацияси ҳам бошқа халқлар, миллатлар моддий ва маънавий маданияти билан алоқадорликда ривожланган бўлиб, уларнинг тарихий меросини, амалий тажрибаларини умумлаштириш ва ижодий ривожлантириш натижасидир. Дарҳақиқат, техноген цивилизациянинг ҳозирги глобаллашувида турли халқлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг миллий техноген цивилизацияси ҳам ўзига хос ўринга эга. Чунки турли халқлар техноген цивилизациялари шакл жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилсалар ҳам, улар умуминсоният ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий мазмунини муайян ижтимоий маконда ва тарихий замонда конкретлашган тарзда намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизациянинг ҳар қандай

даражаси ва шакли: миллийлик ва умуминсонийликни, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш, эскини инкор қилиш ва янгини яратиш асосида шаклланади ҳамда ривожланади.

Техноген цивилизация глобаллашуви шароитида турли миллий ва ҳудудий ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларда: анъанавийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик интеграциясини кўрамиз. Уларнинг гармоник бирлиги техноген цивилизация “сифатини” белгилаб бермоқда. Чунки: **биринчидан**, анъанавийликнинг (аксарият ҳолатларда, консервативлиги) динамик ўзгараётган техноген цивилизацияга мос келмаслиги, жамият ички зиддиятлари тизимини кескинлаштириши мумкин. Бу эса, энг аввало, техноген цивилизация салбий оқибатларида намоён бўлади. **Иккинчидан**, анъанавийликдаги “эски” тафаккур усули доминантлиги ҳамма вақт ҳам замонавий техноген цивилизация стандартлари (андазалари) талабларига жавоб бермаганлиги учун салбий баҳоланади. **Учинчидан**, техноген цивилизация замонавийлиги жамият учун қанчалик ижобий аҳамиятга эга бўлса, шунчалик зарарли ҳам бўлиши мумкин, хусусан анъанавийликка – тарихий қадриятларга нисбатан нигилистик муносабатни шакллантиради. **Тўртинчидан**, анъанавийликни мутлақлаштириш натижасида: миллий маҳдудлик, (ёки аксинча “миллий кибр”), этноэгоистик, этноэгоцентристик кайфиятлар кучайиб, миллийлик ва умуминсонийлик ўртасидаги муносабат мувозанат бузилади. **Бешинчидан**, барча замонавий нарса ва ҳодисаларни техноген цивилизация билан боғлаб, ижобий баҳолаш ғализ хулосаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун техноген цивилизацияни, бир вақтнинг ўзида жамият стационар ҳолати ва динамик ўзгарувчи жараён сифатида: ҳам анъанавийлик ва замонавийлик, ҳам миллийлик ва умуминсонийлик диалектикасини ҳисобга олмайдиган назария ҳам, методология ҳам, амалиёт ҳам жамият барқарор тараққиётини издан чиқариш хавфини вужудга келтиради.

Ўзбекистонда миллий техноген цивилизация тарихи таҳлили, унда умуминсоний жиҳатлар универсаллашиб борганлигини кўрсатади. Бу ҳодиса,

бир томондан, миллий тараққиётимизга халқаро ҳамжамиятнинг эътибори тобора кучайиб бораётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, халқимизнинг бошқа миллий техноген цивилизация тажрибаларини ўрганиб, ижодий ўзлаштиришга интилишлари, глобаллашувга мойиллиги кучайганлигида ўз ифодасини топмоқда. Лекин техноген цивилизация глобаллашувида Ўзбекистоннинг ўз ўрнига, мустақкам мавқеига эга бўлиши силлиқ кечаётгани йўқ. Бундан ташқари техноген цивилизация глобаллашуви ўз моҳиятига кўра, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг интеграцияси натижаси бўлса ҳам, муайян миллат анъаналарининг ўзига хослигини сақлаб қолишга қандай таъсир кўрсатади, деган масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу асосда юқорида кўрсатилган муаммоларни техноген цивилизация глобаллашуви шароитида ҳал қилиш зарурияти қуйидаги вазифаларни кун тартибига қўймоқда, яъни: **биринчидан**, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик интеграциялашуви потенциал имкониятларини аниқлашни; **иккинчидан**, умумий маданият тизимида миллий технологик маданий анъаналар тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучларини, механизмларни, асосий стратегик йўналишларини белгиловчи институционал тизимни шакллантиришни; **учинчидан**, техноген цивилизация глобаллашувида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик интеграциясини рағбатлантирувчи ёки уларнинг ривожланишига акс таъсир кўрсатувчи омиллар тизимини функционал таҳлил қилишни; **тўртинчидан**, техноген цивилизация глобаллашувининг шахс маънавий қиёфасига, миллат идентификациясига ижобий ва салбий таъсири оқибатларини баҳолаш мезонларига конкрет тарихий ҳодисалар контекстида муштарак-мужассам ёндашиш усулларини аниқлашни; **бешинчидан**, ўзбек халқи техноген цивилизацияси тарихини даврлаштириш ва унинг ривожланиш босқичлари ўртасидаги диалектик алоқадорликни, тарихий меросга ижодий муносабат тажрибасини умумлаштиришни тақозо қилмоқда. Бу вазифаларни бажариш натижасида, бир томондан, миллийлик ҳам, умуминсонийлик ҳам шаклан ва

мазмунан ўзгариб, техноген цивилизациянинг янги миллий анъанаси шаклланади ва глобаллашув потенциалига эга бўлади. Иккинчи томондан, айнан шу жараён миллий кадриятлар “умуминсонийлашуви”, “ижтимоийлашуви”, унинг универсаллашуви ва глобаллашуви учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, техноген цивилизациянинг миллий ёки маҳаллий ривожланиш тенденцияларидаги дифференциаллашув ва интеграциялашув жараёни бирлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий базисини мустаҳкамлаш асосида, ўзига хос миллий индивидуаллигини ҳам, умуминсонийлигини ҳам, ўзаро бир-бирини бойитишини ҳам акс эттиради.

Жамиятнинг турли ижтимоий бирликлари, нисбатан мустақил тараққиёти жараёнида, техноген цивилизация тарихий босқичлари шаклланишида ўзига хос функцияни бажаради. Яъни, уларнинг интеллектуал потенциали, ижтимоий фаолият шакллари ва йўналишлари турлича бўлиши функционал муқобиллигига асос бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихий шаклланган ижтимоий бирликлар “шажараси” техноген цивилизация шаклланишидаги ролини, аҳамиятини унинг натижаларига муносабатларида намоён қилади. Бунда, техноген цивилизациянинг: кўлами жиҳатидан миллийлиги ва умуминсонийлиги, оқибатларидаги ижобийлиги ва салбийлиги диалектикаси ижтимоий-иқтисодий омиллар тизими билан боғлиқ бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатади.

Ҳозиргача бўлган техноген цивилизация тарихий тажрибалари ҳар қандай миллат тарихий хотирасининг потенциал имкониятларини маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришга йўналтириш билан ўз истиқболини таъминлаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий**

Ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”²⁵. Шунинг учун ҳам, мустақилликка эришгандан кейин ўтмиш аجدодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни тиклаш ва ривожлантириш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда бу борада, айниқса маънавий соҳасида амалга оширилаётган ишлар миллий тараққиётда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим омилига айланмоқда. Лекин ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашаётган шароитда узоқ давом этган мустамлакачилик тузуми барбод қилган муқаддас миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, ўзликимизни англаш техноген цивилизация глобаллашувига **“кўникиш эффектлари” – адаптацион муҳитни** шакллантириш жараёни мураккаблиги билан ҳам изоҳланади.

Мустабид советлар империясининг асосий мақсади мавҳум ижтимоий бирлик – “совет халқини” шакллантириш ғояси ва уни амалга оширишда коммунистик сиёсат барча миллий хусусиятларга, хусусан миллий техноген цивилизация ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Энг асосийси, миллий қадриятларни мажбуран байналминаллаштириш, яъни империя манфаатларига мос ижтимоий бирликни вужудга келтириш амалиёти техноген цивилизация глобаллашуви жараёнига миллий ўлкаларни **“танлаб жалб қилиш”** сиёсатида ҳам намоён бўлди. Бироқ, “халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди”²⁶. Чунки миллатларнинг тарихий шаклланган қадриятларини, анъаналарини сақлаб қолишга **интилиш рефлекс**и объектив ижтимоий ҳодиса эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов: **“Ҳар қандай миллат у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий**

²⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -29-30 бет.

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, -Б. 137-138.

бирликнинг, унинг тил маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади”²⁷, деб таъкидлаган.

Ушбу жараёнга техноген цивилизация глобаллашуви контекстида қарайдиган бўлсак, бир-бирига қарама қарши икки йўналишда таъсир кўрсатиши маълум бўлади, яъни: бир томондан, техноген цивилизация натижаларини ўзлаштираётган объектларнинг (шахс, ижтимоий бирликлар ва институционал тизим) техноген цивилизация глобаллашувига адаптацион потенциали ва имкониятлари ривожланиш даражаси, унинг салбий оқибатларга иммунитетни шакллантиради. Иккинчи томондан, техноген цивилизация глобаллашуви натижасида вужудга келган “оммавий маданият” феномени субъектлари (маргинал шахс, эгоист индивид, турли демографик гуруҳлар, махсус ноқонуний ташкилотлар), унинг салбий оқибатларини “истеъмомчиларига” трансформация қилишнинг мукамал техникасига, коммуникациясига, индустриясига ва технологиясига эга бўлиб, айниқса ёшлар онгига фаол таъсир кўрсатмоқда. Лекин техноген цивилизация глобаллашувининг салбий оқибатларини сиёсий куч билан зўрлаб, сунъий равишда оммавийлаштиришга уриниш ҳаракатлари, муқаррар равишда, прогрессив инсоният томонидан муносиб баҳоланади. Шунингдек, ҳар қандай миллатнинг глобал цивилизация манфаатлари доирасида, умуминсоният объектив эҳтиёжларидан келиб чиқадиган интеграциялашуви жараёнига мутаассиблик билан ёндашиш ва тўсқинлик қилиш миллий маданиятлар деградациясига сабаб бўлади.

Бунда миллий техноген цивилизациялар глобаллашувидаги ҳар бир босқич, умуминсоният маданияти тараққиётининг ижобий таъсирини намоён қилади. Бу таъсир кучи, техноген цивилизация глобаллашувининг нафақат янги кадриятларни яратиш салоҳиятига, балки тарихий меросни ўзлаштириш жараёнида миллий ва умуминсоний маданиятлар интеграциялашувига боғлиқ

²⁷ Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.:Ўзбекистон. 80 бет.

бўлади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация глобаллашуви – миллий техноген қадриятларни яратиш ва умуминсоний қадриятларга айлантириш жараёнидан иборат. Умуман техноген цивилизация тарихида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва новаторлик интеграциясида, унинг асосий ривожланиш тенденцияларини, функционал аҳамиятини аниқлаш мумкин.

Ҳар қандай илмий муаммога тарихийлик тамойилига кўра ёндашув зарурияти, техноген цивилизацияси глобаллашув жараёнига ҳам анъаналаридаги умуминсонийлик ва миллийлик интеграциясининг ўзига хос босқичи сифатида қаралишини тақозо қилади. Бунда миллий тараққиётнинг тарихий шаклланган этник омиллари ва техноген цивилизация глобаллашуви натижалари ўртасида (ижобийлиги ёки салбийлигидан қатъий назар) корреляцион алоқадорлик мавжудлиги кўзга ташланади. Ўз навбатида бу алоқадорлик техноген цивилизация глобаллашувининг ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини, ижобийлик ва салбийлик мезонларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Техноген цивилизация глобаллашуви объектив жараён бўлиб, ривожланиш қонуниятларининг кишилар томонидан англаниши ва шу асосда фаолиятларини ташкиллаштиришлари субъектив омил имкониятларини намоён қилади. Яъни техноген цивилизация глобаллашувини англаш инсон ижтимоий онгли фаолияти билан боғлиқ бўлса ҳам, ретроспектив асосига кўра, объектив ҳодисадир. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар қандай билиш соҳаси ва даражаси ҳозир яшаётган ҳамда келажак авлод иродасига мутлақ боғлиқ эмас. Чунки мавжуд билимлар, генезисига кўра, биздан олдинги авждодлар фаолияти натижасидир. Қолаверса, бир томондан, миллий ва умуминсоний эҳтиёжлар объективлиги инсоннинг билиш фаолияти мотиви ва механизми ҳисобланади. Иккинчи томондан, миллий техноген цивилизация тарихи умуминсоният тарихининг таркибий қисмини ташкил қилиши нуқтаи назаридан объектив жараённинг “бошланиш нуқтаси”дир.

Техноген цивилизацияда ижтимоий эҳтиёжлар тизими миллийлик ва умуминсонийлик интеграциясини ташкиллаштирувчи асос, мотив сифатида муайян жамият тараққиётининг ҳосиласидир. Зеро, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида, кишилар тарихий бирлигининг муайян типи, муқаррар равишда, миллийлик ва умуминсонийлик интеграциясини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, этнослараро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда ривожланиш даражасига, потенциал имкониятларига боғлиқ бўлади. Техноген цивилизация глобаллашуви шароитида бу имкониятларнинг реалликка айланиши турли миллатларнинг ўзаро интеграциялашуви учун “адаптацион муҳитни” яратишни тақозо қилади.

Шу ўринда миллий техноген цивилизация тараққиёти даражаларини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар турли туман бўлишига қарамасдан, уларни интеграциялаштириш эҳтиёжи ҳам, имконияти ҳам динамик ривожланиб бориши қонуният мақомига эғалигини таъкидлаш жоиз. Чунки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларни истисносиз қамраб олувчи маданиятлараро муносабатлар диалектик характерга эга. Бу қонуният техноген цивилизациялар тарихида миллий омилнинг пайдо бўлиши, уларнинг халқаро алоқалари вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини ифодалаши билан умуминсоний мазмунга эга.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар қандай босқичида миллийлик, муқаррар равишда, умуминсонийликни юзага келтиради. Уларнинг интеграциялашуви асосида маданиятларнинг ўзаро таъсир қонунлари универсал-умуминсоний характер касб этиб, миллий техноген цивилизация тарихи глобал техноген цивилизация тарихининг таркибий қисмига айланади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизацияда миллийлик ва умуминсонийликни интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлиги миллий тарихни жаҳон тарихига айлантиради. Жаҳон тарихи эса, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан техноген цивилизация ривожланишининг ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини

мужассамлаштиради. Яъни техноген цивилизация глобаллашуви жараёнида, бир томондан, умуминсонийлик миллийликни умумий ҳодиса сифатида намоён қилади. Иккинчи томондан эса, ҳар қандай миллий техноген цивилизация тараққиёти глобал техноген цивилизация тарихининг конкрет кўриниши ҳисобланади.

Техноген цивилизация глобаллашуви умуминсоний ҳодиса сифатида барча халқлар, миллатлар ва давлатлар тарихида у ёки бу даражада индивидуал намоён бўлиб, ўзига хос муқобил илмий-назарий таълимот йўналишлари шаклланган. Яъни, ҳатто бир мамлакатда, бир тарихий даврда, бир ижтимоий-сиёсий тизимда яшаган олимлар, унинг умумий мазмуни ва характери ҳақидаги турли илмий хулосалар чиқарган.

Техноген цивилизацияда миллийлик ва умуминсонийлик бирлигининг зиддиятли характери ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги барча зиддиятларни муштарақлашган тарзда акс эттиради. Бу зиддият техноген цивилизация тарихий ривожланиш жараёнининг ҳамма босқичларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, техноген цивилизация глобаллашуви шароитида миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлашувининг функционал аҳамияти ижтимоий амалиёт соҳаларига мос тарзда белгиланади. Бу тенденциялар бир вақтда вужудга келмайди ва ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларида бир хилда намоён бўлиши мумкин эмас. Зеро, техноген цивилизация глобаллашувини рағбатлантирадиган миллий омилнинг ўрни ва роли ҳам юқорида кўрсатилган тенденциялар йўналиши билан белгиланади. Чунки улар ўзларида миллий кадриятлар, анъаналар шаклланиши ва ривожланиши жараёнининг узлуксизлигини акс эттирадидилар. Умуман, техноген цивилизация глобаллашуви тарихий динамикасида миллий ўзига хосликни, аввало, умуминсоний кадриятларнинг универсаллашув амалиётида зарурият ва имконият бирлиги тарзида қараш керак.

Миллий техноген цивилизациянинг “умуминсонийлашиш” ҳодисасини тушунтиришда, умумметодологик асос сифатида, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгнинг, базис ва устқурманинг турли шаклларида конкрет тарихий

намоён бўлиши ҳақидаги фикр асос бўлади. Бунда биз ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгни, базиснинг устқурмани детерминлаштирувчи омиллигини мутлақлаштириш фикридан йироқмиз. Аксинча, бир томондан, ижтимоий борлиқ техноген воқелик сифатида маданиятнинг ҳосиласи, иккинчи томондан, улар ўртасидаги бирликни зиддиятлар асосида вужудга келтиришини, бир-бирисиз ҳеч қандай мазмунга эга бўлмаслиги ҳақидаги фикрларда муайян асос борлигини эътироф этамиз. Шунга кўра, техноген цивилизация тараққиёти тарихини глобаллашув жараёни контекстида таҳлил қилганда, миллий маданиятларнинг прогрессив йўналишидаги тараққиёти миллатлараро ўзаро алоқадорликларсиз амалга ошиши мумкин эмаслиги маълум бўлади.

Умуман, техноген цивилизация тарихи, хусусан унинг глобаллашув жараёни тадқиқотларида турли муқобил илмий ғоялар илгари сурилмоқда. Масалан, муаммога цивилизацияларни жамиятнинг маданий ривожланиши билан айнанлаштириш назариялари контекстида қарайдиган бўлсак, унинг *оммавийлиги* ёки *элитарлиги* ҳақидаги концепциялар алоҳида эътиборга сазовор. Яъни миллий техноген цивилизацияни давлатлар ёки минтақаларнинг техник қудрати, технологик маданияти имкониятларига қараб: *ривожланган* ва *ривожланаётганларга* ажратиш устувор йўналиш ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан мустақил Ўзбекистонни, умуман глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан техноген цивилизация субъекти сифатида тан олиши, давлатимизнинг ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларида ўзини бошқа халқлар орасида тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига, жаҳон техноген цивилизацияси глобаллашуви жараёнини янада чуқурроқ билиш ва унга фаол иштирок қилишга, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлишга қулай замин яратди.

Халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар глобаллашувининг тобора кенгайиши ва чуқурлашуви турли миллатлар маънавий-маданий қадриятларни қайта баҳолашни тақозо қилмоқда Айниқса, “оммавий маданият”нинг глобаллашуви хорижнинг маданий қадриятларидан

фойдаланишга жиддий ва оқилона ёндашиш эҳтиёжини кучайтирмоқда. Шунга кўра жаҳон халқларининг мумтоз ва замонавий миллий маданияти намуналаридан, жумладан, техноген цивилизация тарихий меросидан фойдаланишни миллий манфаатлар асосида баҳолашни ўрганиб олишимиз лозим. Бинобарин, миллий ва жаҳон техноген цивилизациясининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг ўз тарихий меросига муносабатини ўзгартириб, ўтмишда содир бўлган ҳодисаларни тўғри баҳолаш имкониятини яратди. Хусусан, халқимиз техноген цивилизацияси тарихини, унинг жамиятимиз маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрнини ўрганиш асосида келажак мўлжалларини белгилашга асос вужудга келди. Шу қисқа тарихий давр мобайнида маънавий тикланиш жараёнида маданий қурилиш вазифаларига умуминсонийлик нуқтаи назардан ёндашиш, ўтмиш меросини миллий тараққиётнинг истиқбол манфаатлари асосида баҳолаш тамойиллари шаклланди. Зеро, миллий тараққиёт келажаги, энг аввало, унинг ўз маънавий кудратига, миллий онги ижодий кучига, тарихий хотирасини тиклашига, умуминсоний қадриятларни ижодий ўзлаштиришга боғлиқдир. Миллий анъанавий қадриятларни демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш глобал цивилизацияда мустаҳкам мавқени эгаллаш шартидир. Бунда бизнинг тадқиқот объектимиз ҳисобланган техноген цивилизация глобаллашуви муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда:

1) техноген цивилизация жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг интеграциялашуви қонуният мақомига эга бўлиб, унинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш илмий-фалсафий методологик тамойилларга асосланиши керак;

2) минтақамизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалар тараққиётининг хусусиятлари техноген цивилизация тарихида

миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлашуви натижаси сифатида баҳоланиши лозим;

3) миллий техноген цивилизация умуминсоният тараққиёти даражасини белгиловчи мезон бўлиб, ўз аҳамиятини дунё цивилизацияси стандартларини ижодий ривожлантириши билан намоён қилади ва унинг трансформацияси глобаллашувига олиб келади;

4) техноген цивилизация тарихида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлашувига нисбатан муқобил ёндашувлар (муайян манфаатларга хизмат қилса ҳам), инсоният тараққиёти истиқболларини сақлаб қолиш масаласида умумий нуқтаи назарга, позицияга эга;

5) ҳар қандай миллатнинг техноген цивилизацияси глобал цивилизация субъекти бўлиб, унинг тарихий меросини дунё халқларига трансформация қилиши халқаро мавқеини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади ва умуминсоний кадриятлар ривожланишига ҳисса қўшади.

VI-БОБ. ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ГЛОБАЛЛАШУВИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай жамиятда техноген цивилизация жараёнининг индивидуал хусусиятларини, глобаллашиш тенденцияси тарихини ўрганиш, ҳозиги замонда унинг ижобий ва салбий оқибатларини аниқлашда муҳим назарий-методологик аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши,

экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”²⁸. Шу билан бирга глобаллашув жараёнида вужудга келган ғайриинсоний “ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин”²⁹.

Техноген цивилизация феноменининг динамик ривожланиш хусусиятлари, унинг ҳаракатлантирувчи мотивлари, механизмлари тизимига боғлиқ. Яъни инсоннинг онгли ижтимоий фаолияти: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа сабаблар – мотивларга кўра намоён бўлади. Шу мотивлар ўзгариши, бир томондан, жамият объектив тараққиёти заруриятидан келиб чиқса, иккинчи томондан, унинг ривожланиш даражасини намоён қилади. Шунга кўра, техноген цивилизациянинг ҳаракатлантирувчи мотивларини ва механизмларини аниқлаш, бу жараённи оқилона ташкиллаштириш ва бошқаришни рационаллаштирувчи назарий-методологик асосдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Авваламбор, кўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Бизнинг мақсадимиз улар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, умумий муаммоларни биргаликда ечишдан иборат”³⁰.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиб, халқаро ҳамжамият ва жаҳон цивилизациясининг субъектига айланиши – глобал жараёнларга фаол иштироки билан характерланади. Хусусан, миллий техноген цивилизация хусусиятлари, глобал техноген цивилизацияга интеграциялашув потенциали имкониятлари, муаммолар ва истиқболдаги стратегик вазифаларини

²⁸ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -111-112 бетлар.

²⁹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -12-13 бетлар.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи 15.06.2017

белгилаш, амалий фаолиятларимизни оқилона ташкиллаштириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликнинг муҳим шартидир.

Ҳозирги даврда дунёда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кечаётган глобаллашув жараёнлари бутун инсониятнинг қадрият мўлжалларини, айтиш мумкинки, тақдирини у ёки бу томонга ўзгартириш учун объектив шарт-шароит яратмоқда. Шунинг учун глобаллашув жараёнининг ижобий натижаларини – оммалаштириш, салбий оқибатларини – бартараф қилиш муаммоалари ечимини топиш жаҳон ҳамжамияти диққат-эътибори марказига қўйилмоқда. Хусусан, техноген цивилизация глобаллашуви дунёдаги барча халқлар ва миллатлар учун, бир томондан, прогрессив фан, техника, технология ютуқларидан, замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш – умуминсоний интегратив қадриятлар шаклланишига, иккинчи томондан, айнан шу воситалардан муайян мафкуравий манфаатларга мос фойдаланиш – антигуманистик, ғайриахлоқий “оммавий маданият” таҳдиди эскалациясини кучайтириб юбормоқда. Бундай шароитда, унинг умуминсоният маънавиятига, цивилизацияси истиқболларига ижобий ва салбий таъсир имкониятларини, усулларини, ривожланиш тенденцияларини: “эҳтиёж-мақсад-манфаат-восита-натижа” тизими элементлари муносабати асосида ўрганиш муҳим назарий, методологик ва амалий аҳамият касб этади.

Техноген цивилизация глобаллашуви жараёни мақсадида ҳам, натижаларида ҳам, бир-бирига тубдан қарама қарши бўлган ижобий ва салбий жиҳатлари асосида, жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликларнинг манфаатлари хилма хиллиги ётади. Шу нуқтаи назардан глобаллашувнинг ижобийлик ёки салбийлик хусусиятларини, жамиятга таъсир йўналишларини функционал аҳамиятига кўра: этиканинг – эзгулик ва ёвузлик, харизматизм ва эгоизм, эстетиканинг – гўзаллик ва хунуклик, иқтисодиётнинг – фойда ва зарар, сиёсатшуносликнинг – прогрес ва регрес, агрессия ва компромис, идеологиянинг – бунёдкорлик ва вайронкорлик каби категориялари

контекстида ўрганиш, унинг мазмуни, моҳияти ҳақида, нисбатан тўлиқ тасаввурларни шакллантиради.

Умуман, фалсафий адабиётларда глобаллашув ижтимоий феноменига муносабатда: радикализм ва либерализм ёндашувлари кузатилмоқда³¹. Яъни, биринчи йўналишга – радикализм оқимида мансуб олимлар глобаллашувни янги типдаги жаҳон уруши³² ёки унинг авж олиши “оммавий маданият” шаклланишига олиб келиб, миллатнинг маънавий қашшоқлашуви содир бўлишга, уларнинг ўзлигини англамайдиган манқуртларига айлантириш имконияти³³, деган пессимистик хулосалар устуворлик қилса, иккинчи – либерализм таълимотларида глобаллашув жараёни, инсониятнинг умумий қонунияти сифатида, унинг келажак истиқболларини таъминлаш имконияти тарзида изоҳланади. Шунинг учун ҳозирги даврда глобаллашув жараёнига нисбатан шаклланган жаҳон жамоатчилик фикрини тубдан қарама қарши бўлган *глобалистлар* ва *антиглобалистлар* йўналишларига ажратиш, унинг натижаларига муайян манфаатлар асосида ёндашувнинг намоён бўлиши тарзида қаралиши керак. Лекин глобаллашув жараёни ва натижаларига муайян манфаатларга кўра ёндашишлар, унга нисбатан муқобил муносабатларга асосий сабаб бўлса ҳам, баҳолашнинг умуминсоний мезонлари шаклланган ва ҳар қандай тарихий даврда ўзига хос характер касб этган. Шунинг учун бу мезонларни конкрет тарихий давр, ижтимоий маконнинг: иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий тизими характери, маънавий-маданий тараққиёти хусусиятлари контекстида (умуминсоний гуманистик ва демократик тамойилларга мос келиши ёки зидлиги нуқтаи назаридан) баҳолаш керак.

Умуман глобаллашув жараёни, хусусан конкрет йўналишларининг ретроспектив-тарихий асослари тадқиқотига бағишланган адабиётларда, уни қадимий антик дунё билан боғлаб изоҳлаш, нисбатан кенг тарқалган. Яъни,

³¹ Шу ўринда радикализм ва либерализм оқимларида оптимистик, пессимистик, скептик, алармистик йўналишларнинг ўзига хос таълимотлари мавжудлигини ҳам эътироф этиш керак.

³² http://uz.infocom.uz/more.php?id=207_0_1_0_M8.

³³ Қаранг: Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008 йил. - 46 бет.

уларда дастлаб бу жараён ҳарбий-босқинчилик ҳаракатларида намоён бўлиб, кейинчалик: иқтисодий, геосиёсий, ахлоқий, маънавий, маданий, экологик, лингвистик, коммуникациявий глобаллашув шакллари пайдо бўлган, деган умумий хулоса чиқарилган³⁴. Дарҳақиқат, инсониятнинг доимий ўсиб борадиган иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга, сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга интилишлари ижтимоий фаолият кўламини, маконини кенгайтиришига олиб келган. Бунда ҳарбий куч ишлатиш натижасидаги **“зўраки-мажбурий глобаллашув”**³⁵ муайян сиёсий манфаатларга мос бўлса, унинг акси **“ихтиёрий-эркин глобаллашув”** умуминсониятнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, демократик ва гуманистик тамойилларга асосланиши билан оқибатларининг ҳам характерини белгилаб берган. Бошқача қилиб айтганда, ҳарбий агрессиялар натижасида шаклланган “цивилизациялар” глобаллашуви жараёнининг ҳам, оқибатларининг ҳам бу тамойилларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча уларнинг поймол бўлишини намоён қилади.

Замонавий цивилизациянинг глобаллашув жараёни, инсоният тарихий тараққиёти истиқболини белгилайдиган ижтимоий феномен сифатида, фақат XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб илмий тадқиқот объектига айланди ва уни ўрганувчи махсус “Глобалистика” фани вужудга келди. Унинг нисбатан мукамал назарий-методологик асослари шаклланиб, тарихий босқичлари, йўналишлари, оқибатларини баҳолаш мезонларини белгилаб беришга доир муқобил илмий таълимотлар тизими “контурлари” аниқланди.

Шундай қилиб, “глобаллашув” феномени, бир томондан, инсоният цивилизацияси ривожланишининг объектив қонунияти бўлиб, унга реал имкониятлар яратмоқда. Хусусан, цивилизацияларнинг (қандай соҳалардалигидан қатъий назар) глобаллашув тенденциялари, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларни:

³⁴ Қаранг: Юлдашева Ф.Методологические проблемы исследования процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. 70-71 бетлар. (70-75 б.).

³⁵ Глобаллашувнинг тарихий-объектив зарурият, табиий-тарихий ривожланиш натижасида ва куч ишлатиб зўравонлик билан шаклланишини бир-биридан фарқлаш керак. Лекин ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг муайян объектив асосларга таянишини, тасодифлар заруриятни намоён қилишини ҳам эътиборга олиш зарур.

интеграциялаштирувчи, универсаллаштирувчи, интернационаллаштирувчи сабаб ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, қатор янги ижтимоий муаммолар комплексини келтириб чиқарди ва мавжудларини кучайтирмоқда. Хусусан, шахс маргиналлашувини, тарихий қадриятлар меросидан бегоналашиб, унга нигилистик муносабатни, “оммавий маданият” эскалациясини, эгоизмни, космополитизмни, индивидуализмни, этноэгоцентризм ҳодисаларини намоён қилиб, уларни рағбатлантирмоқда. Аммо цивилизациялар тарихи глобаллашув жараёнининг бир-бирига зид бу йўналишларда, (айрим хусусий ҳолларни эътиборга олмаганда), пировард натижада, биринчиси устуворлигини кўрсатмоқда. Зеро, жамият тараққиётида ҳамма вақт: эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик, яхшилик ва ёмонлик, прогресс ва регресс ва бошқа антиподларда биринчисининг устуворлиги ҳал қилувчи роль ўйнаган, яъни ақл ҳиссиётлардан юқори қўйилган.

Булардан ташқари, ҳозирги замонда дунё глобал цивилизациясини географик жиҳатдан, шартли равишда, “ғарб” ва “шарқ” га ажратиш асосида ҳам, уларнинг техноген ривожланиш даражаси асосий мезон ҳисобланади. Умуман глобаллашув жараёни нисбатан универсал умуминсоний нормалар шаклланишига асос бўлаётган ҳозирги шароитда “цивилизациялашган дунёлар” ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашувини ҳам, унинг ноқислиги, номукамаллиги тарзида баҳолаш керак. Яъни қарама-қарши эҳтиёжлар, манфаатлар ва тенденциялар “цивилизациялар тўқнашуви”га, қадриятлар конфликтларига сабаб бўлмоқда³⁶. Агар, бу зиддиятлар дунёдаги турли этник ва конфессионал бирликларнинг тарихий шаклланган: сиёсий мавқеи, иқтисодий аҳволи, маънавий-маданий қадрият мўлжаллари контекстида таҳлил қилинса, умуман цивилизация йўналишлари, ривожланиш босқичлари ва оқибатлари ҳақидаги қарашлар конкретлашади. Хусусан, техноген

³⁶ Қаранг: Аксюмов Б.В. «Столкновение цивилизаций» как конфликт между традиционностью и современностью. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации». Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. С. 9-10.

цивилизациянинг мазмуни, моҳияти, функционал аҳамиятини тўғри англаш мумкин.

Техноген цивилизация глобаллашуви асосида (юқорида кўрсатилган зиддиятлардан қатъий назар), миллий қадриятларнинг умуминсоният эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида интеграциялашувини, синтезлашувини кўрамиз. Яъни цивилизациялар глобаллашувида миллий маънавий-маданий қадриятлар интеграциялаштирувчи объект, синтезлаштирувчи омил ҳисобланади. Бунда техноген цивилизация глобаллашуви, бир томондан, муайян (маҳаллий, локал ёки ҳудудий) ижтимоий маконда, миллий қадриятларнинг интеграциялаштирувчи потенциалини намоён қилади. Иккинчи томондан эса, инсониятнинг ижтимоий тараққиёти даражаларини, жаҳон ҳамжамияти маънавий интеграцияси босқичини белгилайдиган асосий мезон функциясини бажаради. Бунда техноген цивилизацияни уларга ҳам асос, ҳам натижа сифатида қараш керак.

Техноген цивилизация глобаллашуви турли халқлар, миллатлар маънавий-маданий қадриятларининг интеграцияси натижасида содир бўлади. Бошқача айтганда, глобал техноген цивилизация маҳаллий, миллий, ҳудудий маданиятлари интеграциялашувини намоён қилади. Мазкур жараёнларнинг асосида умуминсоний универсал-интегротив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ҳаракат ётади. Шу нуқтаи назардан маънавий-маданий интеграциянинг ҳосиласи бўлган техноген цивилизация глобаллашуви инсоният келажагини сақлаб қолишнинг детерминлаштирувчи омилларидан биридир. Лекин мавжуд оламшумул муаммоларни, фақат халқаро ҳамжамиятнинг ҳамкорликда ҳал қилиши муқобили бўлмаган аксиоматик ҳақиқат ва постулат мақомига эгадир. Зеро, глобал муаммолар ечими дунёдаги барча ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда халқларнинг ўзаро келишилган яқдил амалий ҳаракатларини тақозо қилади. Аммо ҳозирча, объектив ва субъектив сабабларга (тўғриси, турли баҳоналарга) кўра, бунга эришишнинг имконияти бўлмаяпти. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳар бир миллат, давлат, минтақанинг ўзига хос эҳтиёжлари,

уларни қондиришнинг потенциал имкониятлари, глобал муаммолар ечимидан манфаатдорлиги мавжуд. Шунинг учун ҳозирги давр глобал муаммолар тизими “кадастрини”, туркумлаштириш тамойиллари ва тартибини миллий ва ҳудудий эҳтиёжларни, манфаатларни эътиборга олиб аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб турибди. Бунда оламшумул муаммолар ечимига муқобил ёндашувларни умуминсоний гуманизм ва демократик тамойилларга кўра ташкил қилишда техноген цивилизация имкониятларидан фойдаланиш масаласи, ҳозирча очик қолмоқда.

Шу боис, халқаро муносабатларда зиддиятлар кескинлашаётган ҳозирги шароитда глобаллашув: “цивилизациялар диалоги ва халқаро маданий алоқаларнинг янги даражаси”³⁷ ёки “иқтисодиёт ва сиёсат ривожланишининг олий босқичи, маданият ривожланишининг эса, бошланғич ҳолатидир”³⁸, деган таърифларни цивилизацияларнинг оқибатлари контекстида қарайдиган бўлсак, кўпроқ декларатив характерга эга. Чунки цивилизациялар глобаллашувини умуминсониятнинг **рационал мақсадига мувофиқлик** тамойилига кўра баҳолашда гуманистик мазмуни ва демократик характерининг детерминлаштирувчи омиллиги ва доминантлиги асосий кўрсаткич сифатида эътиборга олиниши керак. Шу нуқтаи назардан айрим олимлар томонидан глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатларини инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳаёт нормалари ва анъаналарини ҳамда кишиларнинг, халқларнинг ҳаёти ва тафаккур тарзини бузувчи – **аномал глобаллашув** ва улар ҳаёти асосларини таъминлаш системасини яратувчи – **эффектив глобаллашув** жараёнларини фарқлашлари муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга³⁹. Зеро, аномал глобаллашувнинг цивилизация билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, балки инсоният ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳаёт соҳаларининг **цивилизациялашмаганлиги** белгиси,

³⁷ Махкамова Д. Центральная Азия и страны Востока на пути сотрудничества и диалога культур. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. № 2. С.20. (17-20).

³⁸ Адилходжаева С.М. Глобализация и вопрос устойчивого развития государства. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2008 № 3. С.55.- (55-63).

³⁹ Қаранг: Кузнецов В. Геокультура. Основы геокультурной динамики безопасности в мире XXI век: культура сеть. М., Книга и Бизнес, 2003. С. 416. (–632 с).

кўрсаткичи сифатида эътироф этилиши керак. Шунингдек, техноген цивилизацияни *эфектив глобллашув* нуқтаи назаридан баҳолаш ҳам нисбий ва шартлидир, чунки унинг “эфективлик” мезонлари динамик ўзгарувчан бўлиб, ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини эътиборга олиб, дифференциаллашган индивидуал ёндашувни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида глобллашув феноменининг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳар томонлама чуқур ёритиб берган. Хусусан, ижобий томонлари хусусидаги фикри бевосита техноген цивилизация глобллашувига тааллуқлидир, яъни: “Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда умумлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобллашув туфайли эришилмоқда”⁴⁰, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, бу хулосани тадқиқотимиз мавзуси доирасида кўриб чиқсак, техноген цивилизация глобллашуви: *биринчидан*, умуминсониятнинг турмуши ва тафаккур тарзини технологик маданият асосида ташкил этиш усули, воситаси ҳисобланади; *иккинчидан*, миллий техноген цивилизациянинг глобал жараёнга интеграциялашуви тарихий шаклланган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини тақозо қилади; *учинчидан*, жамиятда техноген цивилизация глобллашуви жараёнига адекват ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими шаклланишига

⁴⁰ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 111-112 бетлар.

детерминлаштирувчи омил сифатида таъсир қилади; *тўртинчидан*, техноген цивилизациянинг инсон ижтимоий фаолияти соҳаларига ижобий таъсирини, унинг универсал регулятив функцияси ва реал имконияти тарзида қаралиши керак; *бешинчидан*, инсоният тарихининг ҳозирги босқичида вужудга келган глобал муаммолар тизими оқибатларини техноген цивилизацияни оқилона ташкиллаштириш, бошқариш орқали бартараф қилиш ва олдини олиш мумкин.

Инсоният жамиятининг ҳар қандай босқичида техноген цивилизация, унинг (элементар, стихияли, содда бўлса ҳам) атрибути бўлган ва ривожланиш мезонини, даражаси кўрсаткичини белгилаган. Хусусан, технологик маданият муайян миллат ёки халқнинг тарихий тажрибалари, кундалик анъаналари, ҳаётий қадриятларига асосланиб, ривожланган ва унинг “цивилизациялашган қиёфаси” шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Бошқача қилиб айтганда, технологик маданият жамият мавжудлиги ва инсон ижтимоий фаолиятининг зарурий шarti ва натижаси сифатида: “табиат-жамият-инсон-техника-технология” тизими элементлари муносабатларини ташкиллаштириш ва бошқаришнинг субъектив омили ҳисобланган. Лекин унинг фаолияти муайян объектив шарт-шароитлар мавжудлигини тақозо этади. Айниқса, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, дунё ҳамжамияти билан интегртив муносабатлари, мустаҳкам моддий-техник базаси, тарғибот-ташвиқотининг самарадор институционал тизими алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё давлатлари, халқлари ва миллатларининг техноген цивилизация соҳасидаги интегртив муносабатлари мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Яъни “цивилизациялар тўқнашуви” жараёнида анъаналар ва янгиликлар кураши, жамият турмуш тарзида: бир томондан – модернизмга интилиш, иккинчи томондан – тарихий анъанавийликка интилиш – глобаллашув феноменининг объектив мазмунини ташкил этувчи муҳим хусусияти”⁴¹ ҳисобланади. Дарҳақиқат, техноген цивилизациянинг бир-бирига қарама

⁴¹ Юлдашева Ф. Методологические проблемы исследования процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. С. 73.

қарши бўлган “марказга интилма” ва “марказдан қочма” тенденциялари натижаларини белгиловчи глобаллашув жараёни бутун инсоният учун умумий **цивилизациялашган глобал маконни** шакллантиришни кун тартибига қўймоқда. Лекин бу масалада ҳам бир-бирига қарама қарши фикрлар, ғоялар илгари сурилмоқда. Яъни глобал маънавий барқарор юксалишни таъминлашда миллий цивилизацияларнинг индивидуал ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантириш ҳамда умуминсоний қадриятларни интеграциялаштирувчи маконни вужудга келтириб, унинг яхлит системасида барқарорликни таъминлаш масалаларида таълимотлар муқобиллиги кузатилмоқда. Масалан, халқаро нуфузли ташкилотларнинг хулосаларига кўра глобал даражада “гуманитар қарорлар қабул қилиш, янги нормалар ишлаб чиқиш зарур. Инсоннинг феъл-атвори умумий қоидалари ва тамойиллари конкрет тарихий шарт-шароитларда шаклланган ва ривожланган. Аммо тобора “торайиб бораётган” дунёда турли миллий маданиятлар ва мафкуралар спектрларига мос келадиган умуминсоний қадриятларни яратиш талаб қилинади”⁴². Шунинг учун миллий цивилизациялар интеграциясида демократик, гуманистик ва толерантлик тамойилларига асосан эришилган натижалар техноген цивилизация мақсадлари, идеаллари ва қадриятлари тарзида эътироф этилиши керак. Ваҳоланки, ҳозирги глобаллашув жараёнида, умуман жаҳон цивилизацияси, хусусан техноген цивилизация интеграциясининг мустақкам назарий-методологик, мафкуравий асослари, воситалари ҳақидаги таълимотлар ҳаётдан ажралганлиги учун мавҳум ва утопистик характерга эга бўлиб қолмоқда.

“Интеграциялашган маънавият”, “цивилизациялашган гуманизм”, “умуминсоний демократия” ҳақидаги муқобил ғоялар, назарий қарашлар, таклиф этилаётган амалий лойиҳалар цивилизациялар глобаллашуви жараёнига муайян манфаатлар асосида ёндашувлар натижаси бўлиб, ҳозиргача ўткир баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Ваҳоланки, ҳозирги

⁴² Сохранит ли человечество человечность? Доклад Независимой комиссии по международным гуманитарным вопросам. М., Междунар. отношения, 1989. С. 21.

давр воқелиги ва инсониятнинг планетар миқёсда шаклланаётган тафаккур тарзи, глобал цивилизация салбий оқибатларини бартараф этишга доир амалий фаолият “контурларини”, нисбатан мукаммал конструктив-рационал усул-воситаларини белгилаб бермоқда. Бу қарашлар таркибида гуманистик ва демократик тамойилларга асосланган *глобал маънавийни шакллантириш* ҳақидаги ғоялар устувор характер касб этмоқда. Хусусан, Ғарб прагматизми ва Шарқ маънавий-ахлоқий қадриятларини уйғунлаштириш, цивилизацияни инсонпарварлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда⁴³. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда дунёда фан, техника, технология, интеллектуал салоҳият ривожланиши, жамиятнинг ахборотлашиш даражаси юксалиши, ижтимоий-сиёсий муносабатлар коммуникацияси, “инфраструктураси” ғоят кучайган шароитда цивилизация инқирози ҳақида бонг уриш фавқулудда парадоксал ҳодисадир.

Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотлар, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишдан иборат глобал муаммолар ечимида декларатив чақириқлардан, мавжуд этноэгоистик, этноэгоцентристик стереотиплардан воз кечиб, халқаро ҳамжамиятнинг амалий фаолиятга ўтиш заруриятини эътироф қилиш масаласида умумий консенсус асосида яқдил хулосага келмоқдалар.

Техноген цивилизация глобаллашуви жараёнида “эҳтиёж-мақсад-вазифа-восита-натижа-манфаат” тизими элементларининг ҳар бирини юксак маънавий-ахлоқий нормалар, демократик ва гуманистик тамойиллар асосига қуриш, умумлаштириб айтганда – инсонпарварлаштириш масаласи жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммодир. Зеро, назарий жиҳатдан олганда, унинг ечими ҳар қандай глобал муаммо ечимига универсал асос бўлади. Ҳозир гап шу назарияни амалиётда қўллаш имкониятларини, воситаларини топишда қолди, холос. Бироқ, цивилизациялар маънавий парадигмалари, мафкуравий постулатлари динамизми билан инсоннинг

⁴³ Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й. 399-400 бетлар.

глобаллашаётган жараёнларга адаптация имкониятлари ўртасида узилишлар аниқ кўзга ташланмоқда. Шунга кўра ҳозирги даврнинг асосий талаби техноген цивилизация глобаллашувининг **коммуникатив-интеграция функциясини** ва миллатлараро маънавий муносабатлар интеграциясини конструктив-рационал ташкиллаштиришдан ташқари, тарихий меросларини сақлаб қолиш ҳамда ижодий ривожлантиришдан ҳам иборат бўлиши керак. Чунки ҳар қандай цивилизациянинг атрибутив ўзаги бўлган “маънавият ҳар доим тўлдирилиб туриладиган узлуксиз жараёндир. У ўзгариб боровчи замон билан, унинг зарурий талаб ва эҳтиёжлари билан узвий диалектик боғлиқликда ўзгариб такомиллашиб бораверади. Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади”.⁴⁴

Дунё халқларининг ҳар қандай тарихий даврда, маънавий-маданий муносабатлари интеграцияси жараёнида: кадриятлари меросини, прогрессив анъаналарини ижодий ривожлантириш ва ўзлаштириш, умуман цивилизациялар, хусусан техноген цивилизация глобаллашувининг асосий тамойили, қонуниятлари сифатида намоён бўлган. Зеро, цивилизациялар глобаллашувининг оқибатлари ҳақида гапирганда, маънавий муносабатлар интеграцияси – умуминсоний маданият универсаллиги шундай асос яратадики, унинг атрофида ҳар қандай ижтимоий фаолият йўналишлари кристаллалади⁴⁵. Бу эса, шу жумладан, техноген цивилизация глобаллашуви жараёнини ҳам, миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграцияси йўналишларини ҳам, оқибатларининг ижобий ёки салбий характерини ҳам белгилаб беради.

Техноген цивилизация глобаллашувига ва халқаро маънавий-маданий муносабатлар интеграциясига эҳтиёж – умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ҳамкорлик стратегик йўналишларини ҳам, тактик вазифаларини ҳам белгилаб беради. Лекин дунёдаги барча

⁴⁴ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т., 1999. – 302 бет.

⁴⁵ Қаранг: Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: 2003. - С. 409.

давлатларнинг техноген цивилизация глобаллашуви тамойилларига бирдек амал қилмасликлари, уларнинг этноэгоистик ва эгоцентристик манфаатларини мутлақлаштириши оқибатидир. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация оқибатлари глобаллашувидан манфаатдорликнинг дифференциаллашувини ҳам, уларнинг натижаси, деб баҳоланиши керак.

Умуман, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари кескинлашаётган шароитда умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштириш асосида глобал барқарор ривожланишини таъминлаш халқаро муносабатларнинг бош стратегик мақсадини ташкил қилади. Бунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг миллий моделлари техноген цивилизация глобаллашуви ва маънавий-маданий интеграция жараёнларидан мустақил амалга ошмайди. Аксинча, глобал барқарор тараққиётнинг муқобил миллий моделлари давлатлар ўртасидаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни кучайтириш ва кенгайтириш заруриятини эътироф қилиш нуқтасида умумий хулосага келмоқдалар.

Бу методологик тамойилга асосланиб айтганда, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида, техноген цивилизация глобаллашуви халқаро муносабатлар интеграциясининг (соҳаларидан қатъий назар) асосий ривожланиш тенденцияларини, уларнинг ижобий натижаларини белгилаб бермоқда, яъни: **биринчиси** – техноген цивилизация глобаллашуви дунёдаги турли давлатлар ва миллатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларининг: универсал тамойилларини, ҳуқуқий асосларини, маънавий-ахлоқий нормаларини, сиёсий механизмларини шакллантирмоқда; **иккинчиси** – халқаро муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг глобал институционал тизими структурасидаги функционал алоқадорлик кўлами кенгаймоқда; **учинчиси** – миллатларнинг техноген цивилизациялар глобаллашувига мос: фан, техника, технология, интеллектуал салоҳият ривожланишида умуминсоний-гуманистик ва демократик кадриятлар устуворлигини англаш ва уларга интилиш жараёни кучаймоқда. Бу тенденцияларнинг умумий мақсади – ҳар бир миллатнинг ўз тарихий ментал

хусусиятларидан келиб чиқадиган (ҳар қандай ташқи таъсирларга қарамасдан) демократик-ҳуқуқий давлатини ва фуқаролик жамиятини куришдан иборат.

Миллий манфаатларни эътиборга олган ҳолда, халқаро ва давлатлараро фан-техника, технология, маданият, ахборот айрибошлаш соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш: биринчидан, турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларнинг техноген цивилизация глобаллашуви умумий тамойилларига асосланиши, уларнинг “ижобийлик коэффициентини” оширади; иккинчидан, халқаро муносабатлар спектрини техноген цивилизация глобаллашуви шароитига мослаштириб ташкиллаштириш ва бошқариш, уларнинг оқибатларини ижобийлаштирувчи ташкилий асослари – институционал тизими ривожланишига боғлиқ; учинчидан, техноген цивилизация глобаллашувининг ҳозирги тенденцияси халқаро муносабатларда “функциялар тақсимотига” ва ўзаро консенсус-муроса, толерантлик тамойилларига амал қилишни талаб этади; тўртинчидан, техноген цивилизация глобаллашувининг объектив шарт-шароитларини, субъектив омиллари тизимини мустаҳкамлаш бошқа соҳалар глобаллашуви билан узвий боғлиқдир; бешинчидан, техноген цивилизация глобаллашуви ички зиддиятларга эга бўлиб, нафақат миллий кадриятлар интеграцияси ва универсаллашувига, балки уларнинг миллий идентификациясига ҳам, унификациясига ҳам, дифференциялашувига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация глобаллашувнинг ижобий ёки салбий оқибатлари нисбатан “кичик” миллатларга, ривожланиш йўлига кирган анъанавий “учинчи дунё” давлатларига таъсирида намоён бўлади. Яъни, уларнинг техноген цивилизация глобаллашуви жараёнига мослашиш потенциали: бир томондан, миллий индивидуаллигини, ўзлигини сақлаб қолишга ва жаҳон ҳамжамиятида муайян мавқега эга бўлишга ёки глобаллашув гирдобида миллий қиёфасини йўқотиб, манқуртларга айланишида яққол кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан, “глобаллашувнинг бағрикенглиги” глобаллаштирувчи мотив характериға ва ҳаракатлантирувчи механизмларининг ривожланиш даражасига, уларнинг (глобаллаштирувчи ва

глобаллашувчи, интеграциялаштирувчи ва интеграциялашувчи) томонлар манфаатларини мувофиқлаштириш имкониятига боғлиқ бўлади. Умуман, техноген цивилизациянинг ҳозирги глобаллашув даражасида эришилган натижалар анъанавий индустриал ривожланган мамлакатларга ҳамда миллий тараққиёт йўлига кирган “учинчи дунё” давлатларга дифференциаллашган тарзда таъсир кўрсатади. Хусусан, унинг ижобий таъсири, ривожланаётган мамлакатларга: техника, технология, инвестиция, интеллектуал салоҳият, ахборот айрибошлаш учун имконият яратиш билан характерланса, салбий оқибатлари уларда, аксарият ҳолатларда, боқимандалик, қарамлик, мутъелик ёки “миллий кибр”, “миллий маргиналлашув” кайфиятларини кучайтиради.

Ҳозирги даврда техноген цивилизацияни глобаллаштирувчи халқаро институционал тизимни, қонуний-ҳуқуқий асосларни, маънавий-ахлоқий нормаларни, сиёсий механизмларни, умуман барқарорлигини детерминлаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар уйғунлигини таъминлаш, унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда муҳим амалий аҳамиятга эга. Умумлаштириб айтганда, техноген цивилизация глобаллашувининг жамиятга таъсир йўналишлари ва имкониятлари: **биринчидан**, техноген цивилизация глобаллашувида ҳар қандай миллий давлатнинг халқаро мавқеи ва мақоми, унинг жаҳон ҳамжамияти билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликдан манфаатдорлигига; **иккинчидан**, тарихий шаклланган миллий техноген цивилизация анъаналарини, меросини сақлашига, дунё халқлари тажрибаларини ижодий ривожлантирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар етуқлигига; **учинчидан**, техноген цивилизация глобаллашувининг объектив характерини, заруриятини, имкониятларини англаш асосида, унинг тенденциясини прогнозлаштириш вазифаларини белгилашга; **тўртинчидан**, умуминсоний ва миллий кадриятлар интеграциясини глобал техноген цивилизация манфаатлари билан уйғунлаштиришнинг конструктив усулларини, рационал воситаларини яратишга; **бешинчидан**, техноген цивилизация глобаллашувининг муҳим субъекти бўлган миллий давлатлар бошқарув

тизими демократик характериға боғлиқ бўлади. Айниқса, мафкуравий қарама қарши қутбли дунёнинг барҳам топиши, назарий жиҳатдан, умуминсоний цивилизацияни ташкил қилишга, унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда халқаро ҳамкорликка асос бўлиши керак эди. Ваҳоланки, вужудга келган ижтимоий-сиёсий борлиқ ривожланишининг тажрибалари бевосита ва билвосита цивилизациялар натижаси бўлган глобал муаммоларни кескинлаштириб юбормоқда.

Дарҳақиқат, XX аср охири XXI аср бошларида жаҳон цивилизациясининг янги даври бошланиб, унинг ривожланишида қуйидаги бир-бирига зид қонуниятлар намоён бўлмоқда, яъни: *бир томондан* – шаклланаётган глобал цивилизация натижасида дунёдаги турли миллатлар, халқлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий “қиёфаларидан” қатъий назар, уларнинг муносабатлари тизимини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи халқаро институционал тизим таркиб топмоқда; *иккинчи томондан* – глобал цивилизация структуравий элементлари (ёки йўналишлари)нинг номутаносиб ривожланиши, унинг ички зиддиятларини кескинлаштирмоқда ва, ҳатто, умумий инқирозларга сабаб деб баҳоланиши мумкин.

Айни пайтда, бу қонуниятлар: 1) жаҳон халқларининг миллий техноген цивилизацияси тажрибаларини *ментал эҳтиёжлари* ва потенциал имкониятлари даражасида ўзлаштиришига; 2) глобал цивилизация локал ёки минтақавий цивилизацияларнинг стихияли, механик синтези эмас, аксинча унинг конкретлашган ҳолатилигига; 3) миллатни идентификациялаштирувчи доминант индивидуал омиллар мавжудлигини ва уларнинг ўзлигини сақлаб қолишга интилишига; 4) турли миллатлар ва давлатларнинг глобал цивилизацияга қўшиши мумкин бўлган ҳиссаларини эътироф қилишни ва улардан фойдаланишга; 5) глобал цивилизациянинг халқаро ижтимоий муносабатларни интеграциялаштирувчи имкониятларига дифференциал ёндашишга зид эмас.

Бу масалаларни тадқиқотимиз мавзуси доирасида таҳлил қиладиган бўлсак, глобал цивилизациянинг кўрсатилган хусусиятлари техноген цивилизацияда конкретлашган шаклда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги глобаллашув жараёнининг турли халқлар ва ҳудудлар ижтимоий-маданий ҳаётига кўрсатаётган салбий таъсиридан хавотирланишдан реал амалий қаршилик кўрсатишга ўтиш характерлидир. Аксарият сиёсий шарҳчи ва таҳлилчиларнинг таъкиллашларича: ислом, ҳинд, хитой ва бошқа қатор цивилизацияларда тарихий шаклланган маънавий қадриятларга, маданий бойликларга, ижтимоий институтларга таянган ҳолда миллий ўзига хосликни сақлаб қолишга интилиш тенденцияси намоён бўлмоқда⁴⁶. Ўз навбатида бу тенденция Ғарб цивилизацияси салбий оқибатлари глобаллашувига Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам прогрессив жамоатчиликнинг кенг кўламда қаршилиги кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, техноген цивилизация глобаллашуви умуминсоний характердаги объектив жараён бўлиб, унинг “ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”⁴⁷. Лекин, бир томондан, турли миллатлар, давлатларда глобаллашувнинг салбий таъсирига нисбатан ўзига хос қаршилик кўрсатиш “ментал иммунитет” ҳам, унинг оқибатларига қарши курашиш имкониятлари ҳам бир даражада эмас. Иккинчи томондан, унинг оқибатларига қарши курашнинг глобал эҳтиёжи ва манфаати

⁴⁶ Қаранг: Туленова Г. Проблема конфликта в духовной сфере // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. №2. -С. 160.

⁴⁷ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -111 бет.

унификациялашган, универсал усулларни, воситаларни яратишни тақозо қилмоқда.

Шу ўринда глобалистика фани билан шуғулланаётган олимлар ва мутахассисларнинг бу жараёни бошқаришга йўналтирилган умуминсоний глобал тизимини яратиш ҳақидаги ғоялари, маълум маънода, утопистик характерга эга бўлса ҳам илмий асослардан ҳоли эмас. Бу ғояни амалга ошириш учун мақсад ва манфаатлар умумийлигини англаш, уларни гуманистик ахлоқий нормаларга, демократик тамойилларга мослигини баҳолаш мезонларини аниқлаш тақозо қилинади. Яъни, “глобаллашув жараёни тенденцияларини ҳар томонлама ўрганиб... мамлакат манфаатларига, эҳтиёжларига мос прогрессив кадриятларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган **“эластик стратегия”** механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳар бир шахс, айниқса ёшларнинг ўз имкониятларини реал воқеликка айлантириш учун шарт-шароит яратиш, уларнинг гуманистик прагматизминини ва ҳозирги давр талабларига адекват бошқа фазилатларини кўллаб-қувватлаш зарур”⁴⁸.

Аксарият ҳолатларда глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларини мутлақлаштириш натижасида тарихий меросга консерватив, айниқса нигилистик ёндашув янги вужудга келган замонавий (тўғрироғи, интегратив-прогрессив) маданият шаклларига ҳам конформистик муносабатни намоён қилмоқда. Ваҳоланки, цивилизациялар тараққиётининг объектив қонунияти бўлган маданиятлар янгиланиши, унинг глобаллашув даражасида кўзга ташланади. Шунинг учун замон талаблари асосида ҳар қандай миллий тарихий меросни, кадриятларни умуминсоният цивилизацияси манфаатларига кўра модернизациялашуви ва глобаллашувининг ортодоксал-консерватизм билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Агар биз шу тамойилдан воз кечадиган бўлсак, “анъаналар ва миллатлар изоляцияси пайдо бўлиб, бу тоталитаризм ёки авторитаризмга олиб келиши мумкин”⁴⁹.

⁴⁸ Юлдашева Ф. Методологические проблемы процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. С. 75.

Глобаллашув жараёнида маданиятга (маънавийлиги ёки моддийлиги, индивидуаллиги ёки ижтимоийлиги, миллийлиги ёки умуминсонийлигидан катъий назар) таъсиридаги анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашуви **рационал-конструктив модернизм**, деб баҳолашга муносиб. Шунинг учун умуман глобаллашув жараёни, хусусан техноген цивилизация субъектлари манфаатларини уйғунлаштириш, уларнинг эҳтиёжлари, мақсадлари, қизиқишлари “чорраҳасини” топиш ҳозирги замон глобалистикасининг муҳим назарий-методологик муаммоси бўлиб қолмоқда. Бунда техноген цивилизация глобаллашуви оқибатлари, унинг субъектлари характериға, яъни турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламларнинг шу цивилизация типи шакллантирган: эҳтиёжлари, манфаатлари, интеллектуал салоҳияти асосида индивидуал муносабатда бўлиши ва реализация қилишини ўрганиш алоҳида амалий аҳамиятга эға. Шунинг учун ҳам бугунги кунда “ҳамма томонларнинг манфаатларини ҳисобға олувчи, гуманизм тамойилларига ва тенг ҳуқуқли диалогға асосланган ҳақиқий глобаллашувнинг усулларини, йўлларини ишлаб чиқиш муаммоси мавжуд”.⁵⁰ .

Юқорида таҳлил қилинган назарий муаммоларнинг амалий ечимлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, хулоса қилиб айтганимизда: **биринчидан**, дунёда яшовчи барча миллатлар, халқлар техноген цивилизация глобаллашувининг салбий оқибатларини, хусусан инсоният учун маънавий хавфи кўламини англаб етиб, умуминсоният тақдирига масъулиятини ҳис эта бошлади. Бу эса, турли давлатлар, миллатлар, халқларнинг умуминсоний қадриятлари интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнларида муҳим субъектив омил бўлиб қолмоқда; **иккинчидан**, техноген цивилизация натижаларининг глобаллашув жараёни объектив зарурият бўлиб, барча давлатларда: иқтисодий ривожланиш даражаси, этно-демографик тузилиши, сиёсий тизими, конфессионал тузилиши, географик жойлашуви ва бошқа

⁵⁰ Джаббарова Ш. Экономическое сотрудничество стран Центральной Азии – основа культурного сближения народов региона. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. –С. 184.

“ментал хусусиятлари”дан қатъий назар, унинг умумий ижобий ва салбий хусусиятларини намоён қилмоқда; *учинчидан*, техноген цивилизация глобаллашуви билан боғлиқ салбий ҳодисалар вужудга келиш эҳтимоли бўлган таҳдидларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишга доир халқаро муносабатлар тизими шаклланиб, унинг ахборот-интеллектуал базаси, моддий-техник асослари, мониторинг механизмлари, усул-воситалари такомиллашмоқда; *тўртинчидан*, глобал техноген цивилизациянинг инсониятга салбий таъсири олдини олиш зарурияти ҳар бир давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, интеллектуал салоҳият имкониятларидан келиб чиқиб, фаолиятларини интеграциялаштириш, сиёсий муносабатларини мувофиқлаштирувчи халқаро институционал тизими шаклланишини тақозо этмоқда; *бешинчидан*, давлатларнинг иқтисодий-сиёсий эҳтиёжларини қондириш учун утилитар-меркантил этноэгоцентристик манфаатларни мутлақлаштиришлари – техноген цивилизация салбий оқибатлари глобаллашуви олдини олишда умумий консенсусга келишда, умуминсоният фаолиятларини бирлаштириш истиқболларини белгилашда муайян қийинчиликларни вужудга келтирмоқда; *олтинчидан*, техноген цивилизация глобаллашувининг ижобий натижаларини оммалаштириш ҳам, салбий оқибатларини бартараф қилиш ҳам, фақатгина халқаро ҳамкорликда демократик тамойилларига амал қилишнинг қонуний-ҳуқуқий маконини яратиш орқали муаммо ечимини топиш мумкинлигини жаҳон ҳамжамияти англаб етмоқда. Зеро, техноген цивилизация глобаллашувининг жамият тараққиёти учун реал маънавий потенциалини ҳам, таҳдидини ҳам объектив баҳолаш ва унга қарши кураш усул ва воситаларини, имкониятларини аниқлаш учун, уни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг халқаро институционал тизимини ривожлантириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

VII-БОБ. ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚЎИТГА ТАЪСИРИ

Янги шаклланган “анъанавий жамият”, “фуқаролик жамияти”, “техноген цивилизация”, “инқироз синдроми” ва бошқа тушунчалар мазмунини, шаклини *“ментал идентификациялаштириш”*, яъни ижтимоий тараққуётнинг муайян йўналишларини: геоижтимоий, иқтисодий, этно-демографик, сиёсий, маданий жараёнлар контекстида конкретлаштириш, жамият ҳақидаги тасаввурлар комплекслигини таъминлаш имкониятидир.

Шунинг учун техноген, технотрон цивилизация ривожланишининг XX аср босқичидан бошлаб, жаҳон фалсафий, бадиий адабиётларда, унинг таъсирида шаклланган бадиий (баъзан инқилобчилар, ёки уларнинг акси обивателлар – пассивлар, лоқайдлар) образини яратиш устувор мавзуга айланди. Бу ҳақда махсус фалсафий мунозаралар бошланди. Бунга мисол тариқасида прагматизм, неопозитивизм фалсафий йўналишлари фаолиятини, миллий озодликни (пинҳона ёки очик) тарғиб қилувчи ҳаракатларни ёки, уларнинг назарий асосларига доир Мартин Хайдеггернинг Европа нигилизми тўғрисидаги маърузаларини келтириш мумкин.

Аслида бу ҳаракатлар, қайсидир маънода, технологик цивилизацияга асосланган жамиятнинг инсон маънавиятига таъсири натижаси эди. Ҳозирги кунда эса, технологик цивилизациянинг “глобал ахборот майдони” вужудга келиши, инсонга “ахборот босими” кучайиши билан, келажакда жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маданий ривожланиш тенденциясини белгилайдиган омиллар комплексини аниқлашни қийинлаштирмоқда.

Айниқса, техноген цивилизациянинг биосфера экологик мувозанатига, инсон маънавиятига таъсири масаласида бир-бирига муқобил (лекин, ҳар бири ўзича ҳақиқатликка давогар): оптимистик, пессимистик, скептик, алармистик, фаталистик ва бошқа хусусий-фалсафий таълимотлар, назариялар шаклланмоқда. Уларнинг футурологик концепциялари асосида инсоният

цивилизацияси ривожланиш (ижобий-прогрессив, салбий-регрессив) тенденциясига муайян детерминлаштирувчи омиллар контекстида баҳолаш хос.

Бу назариялар инсон ижтимоий моҳиятини, имкониятларини баҳолашда, унинг психологик-руҳий хусусиятларини мутлақлаштириши натижасида, бир томонлама хулосаларга асосландилар. Лекин бу ноанъанавий фалсафий-назарий таълимотлар, маълум маънода, демагогик-схоластик даражада чегараланган характерга эга бўлса ҳам, Хайдегер фикрича, “янги фундаментал онтология” ғояларидан келиб чиқади ва инсонни техноген цивилизация оқибати бўлган *экологик хушёрликка, маънавий камолотга* даъват қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар, ҳозирги инсоният тарихида яратилган цивилизация натижаларини сақлаб қолиш глобал муаммолигини кўрсатади.

VIII-БОБ. ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВИДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ РОЛИ

XXI асрнинг реал воқелиги ва ривожланиш тенденцияси: турли кишилар, миллатлар, халқлар, ирқлар, динлар, давлатлар, муқобил қарашлар, концепциялар, фикрлар ўртасидаги муносабатларнинг ғоят мураккаблашиб (хатто, антогонистик зиддиятларга айланиб) кетаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни баҳолаш мезонларини, фанларнинг парадигмаларини, тушунчалари моҳияти ва мазмунини тарихий замон, ижтимоий макон контекстида қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Хусусан “цивилизация”, “толерантлик” ҳодисаларининг ижобий ёки салбий оқибатларини ҳозирги замон контекстида таҳлил қилиш: ижтимоий, сиёсий, гуманитар фанлар олдида турган долзарб назарий муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда бу фанларнинг назарий хулосалари, методологик тавсиялари, амалий таклифлари сайёрамизда яшаётган барча кишилар барқарор ҳаёти учун муносиб шарт-шароит яратиш беришига муқобил йўл йўқлиги – аксиоматик ҳақиқат бўлиб қолмоқда.

“Цивилизация” тушунчасини ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси ва муқобил манфаатлар контекстида таҳлил қилинса, унинг мазмуни конкретлашади. Шу нуқтаи назардан, миллий манфаатларни эътиборга олган ҳолда, халқаро ва давлатлараро: фан-техника, технология, маданият, ахборот айрибошлаш соҳаларида ижтимоий муносабатлар тизимини ривожлантириш – цивилизацияларнинг зарурий шarti бўлса ҳам, улар барқарор тараққиёт омили бўлган толерантлик тамойили: асосида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаши мумкин. Зеро, толерантлик ҳодисаси, дунёкараш ва маънавий салоҳиятнинг шундай ривожланиш даражаси-ки, унинг асосида: бошқа кишилар эҳтиёжларини қондириш, манфаатлари ҳимояси, бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш, инсоният келажаги учун масъулият ётади. Энг муҳими, бир томондан, толерантлик ғояси мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишнинг маънавий-ахлокий асоси сифатида: кишилар ҳамкорлиги, бирдамлиги, ўзаро ёрдам кадриятлари тизимини яратишга, уларнинг моҳиятини аниқлашга хизмат қилади. Иккинчи томондан, толерантлик ҳодисаси “шахс – жамият – давлат” муносабатлари тизимида оид барча институтларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий фаолият платформаларини, умумий мақсад асосида бирлаштиришда демократик ва гуманистик тамойилларга асосланади.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий муносабатлардаги толерантлик: ахлоқ, дин, сиёсат ва бошқа ижтимоий онг шакллари ҳамда амалий фаолиятлар ўртасидаги боғловчи звено ҳисобланади. Шу маънода толерантлик, ижтимоий муносабатларнинг регулятив асоси сифатида, ўзаро консенсус, мурося, келишув, ёрдам ҳодисаларига нисбатан кенгроқ маъно-мазмунга эга. Зеро, “инсон нафақат ўз оиласига, мамлакатига, миллатига мансублигини, балки, айна пайтда, бутун планетар миқёсдаги ҳамжамиятга мансублигини англаши, жамият аъзоси эканлигини ҳис этиши, бутун инсоният тақдири, унга узоқ ва бегона бўлган кишилар ҳаёти учун

жавобгарликни ўз зиммасига олиши”⁵¹¹, толерантлик тамойилининг моҳиятини ташкил этади ва қадрият мақомини, функционал аҳамиятини намоён қилади.

Ҳозирги даврда цивилизациялар интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида: **биринчидан**, турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда цивилизациялар глобаллашувида толерантликнинг умумий тамойилларига асосланиши, уларнинг “ижобий эффективлик коэффициенти” даражасини оширади; **иккинчидан**, халқаро муносабатлар спектрини цивилизациялар глобаллашуви шароитига мослаштириб ташкиллаштириш ва бошқариш, уларнинг оқибатларини ижобийлаштирувчи ташкилий асослари – институционал тизими ривожланишига боғлиқ; **учинчидан**, цивилизациялар глобаллашувининг ҳозирги даврдаги ривожланиш тенденцияси халқаро муносабатларда “цивилизациялашган функциялар тақсимоти” ва ўзаро консенсус-муроса, толерантлик тамойилларига амал қилишни талаб этади; **тўртинчидан**, муайян соҳада цивилизациялар глобаллашувининг объектив шарт-шароитларини, субъектив омиллари тизимини мустаҳкамлаш, бошқа соҳалардаги цивилизациялар глобаллашуви билан корреляцион узвий боғлиқдир; **бешинчидан**, цивилизациялар глобаллашуви ички зиддиятларга эга бўлиб, толерантлик, нафақат миллий қадриятлар интеграцияси ва универсаллашувига, балки уларнинг миллий идентификациясига ҳам, унификациясига ҳам, дифференциялашувига ҳам (хатто, ассимиляциясига ҳам) сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, ҳозирги глобаллашув жараёнида, толерантликнинг мавжуд парадигмалари доирасида “жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзот ҳаётига таъсири, давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилиши кучаймоқда. Айни вақтда,

¹ Моисеев Н.Н. Быть или не быть ... Человечеству? М., 1999. С.51.

миллий хусусиятлар ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда”¹⁵²

Бошқача қилиб айтганда, цивилизациялар глобаллашувнинг ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) оқибатлари: нисбатан “кичик” миллатларга, ривожланиш йўлига кирган анъанавий “учинчи дунё” давлатларига таъсирида яққол намоён бўлади. Яъни, уларнинг глобал цивилизация жараёнига мослашишдаги толерантлик потенциали: бир томондан, миллий индивидуаллигини, ўзлигини сақлаб қолишга ва жаҳон ҳамжамиятида муайян мавқега эга бўлишга; иккинчи томондан, глобаллашув гирдобидида миллий кифасини йўқотиб, манқуртларга айланишида кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан, “глобаллашувнинг бағрикенглиги” – глобаллаштирувчи мотив характериға ва ҳаракатлантирувчи механизмлари ривожланиш даражасига, уларнинг (глобаллаштирувчи ва глобаллашувчи, интеграциялаштирувчи ва интеграциялашувчи) томонлари манфаатларини мувофиқлаштириш имкониятиға боғлиқ бўлади.

Умуман, цивилизацияларнинг ҳозирги глобаллашув даражасида эришилган натижалар анъанавий индустриал ривожланган мамлакатларға ҳамда мустақилликни қўлга киритиб, миллий тараққиёт йўлиға кирган “учинчи дунё” давлатларға дифференциаллашган тарзда таъсир кўрсатади. Хусусан, ривожланаётган мамлакатларға ижобий таъсири, уларға: техника, технология, инвестиция, интеллектуал салоҳият, ишчи кучи миграцияси, ахборот айрибошлаш учун имконият яратиш билан характерланса, салбий оқибатлари уларда, аксарият ҳолатларда, боқимандалик, қарамлик, мутъелик ёки “миллий кибр”, “миллий маргиналлашув” кайфиятларини кучайтиради. Лекин, “маънавияти юксак миллат миллий бирлик, аҳиллик, тотувлик, миллатларо ҳамжиҳатликни вужуди, тани билан қўллаб қувватлайди. Маънавият миллий мустақилликка *(ва позитив цивилизация натижаларига -*

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.: 1995 й., 59-бет.

таъкид бизники. О.Ж.) хавф соладиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, тарафкашлик каби иллатларга йўл қўймайди”⁵³.

Фан, техника, технологиянинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот коммуникациялари ва инфраструктураси, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига катта ҳисса қўшаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бундай шароитда, Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти соҳаларида эришаётган ютуқларини чет элларда кенг тарғиб қилиш, хорижий мамлакатлар жамоатчилигини халқимизнинг бой тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, энг муҳими халқининг толерантлиги, бағрикенглиги билан мунтазам таништириб беришда, *халқ дипломатияси имкониятларидан* кенгроқ фойдаланиш, маънавий соҳа ходимлар тарғиботи ва ташвиқотиининг асосий вазифасидир. Зеро, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этганидек ҳозирги даврнинг реал воқелиги – глобал маънавий инқироздан чиқиш зарурияти Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташув “чорраҳаларини” топишни кун тартибига қўймоқда. Чунки “жаҳон микёсидаги муаммоларни самарали ечиш учун Шарқнинг кўп минг йиллик маданияти Ғарб билан бирга умумий ишга жалб этилиши лозим, зеро Шарқ маданияти ва Ғарб цивилизациясининг бир-бирига қўшилишидан ҳақиқий умуминсоний жаҳон маданияти ўсиб чиқади”⁵⁴.

⁵³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 19-бет.

⁵⁴ Ольденбург С.Ф. Культура Индии. –М., Наука, 1991. –С. 40.

ХУЛОСА

Постиндустриал-ахборотлашган жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида: техноген цивилизация глобаллашуви жозибаси ҳам, ижобий ютуқлари ҳам, салбий оқбатлари кескинлашуви ҳам, планета халқлари эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Бир томондан, инсоният техноген цивилизация ютуқларидан фойдаланаётган ҳозирги даврда оғир ва кескинлашиш тенденциясига эга бўлган инқирозни ўз бошидан кечираётганлигини; иккинчи томондан, бундай шароитда инсониятнинг учинчи минг йилликда: яшаши, ўзлигини ва цивилизацияси натижаларини сақлаб қолиши учун маънавий-маданий дунёсини – позитив қадриятлари тизимини, умуминсоний маънавий-ахлоқий нормаларини, гуманистик-демократик тамойилларини ривожлантиришга муқобил йўл йўқлигини эътироф этиши ташкил қилади.

Бу вазифаларни амалда бажаришга эришиш учун, дунё давлатларининг, умуман маданиятни, хусусан технологик маънавий маданиятни ривожлантиришга мутасадди институтлари фаолиятларида: буюк давлатчилик шовинизми, эгоистик, этноэгоцентристик, ҳамма соҳада гегемонликка интилиш стереотипларидан воз кечиб, замон талабларига мос тарзда, уйғунлаштиришнинг цивилизациялашган усул-воситаларини топишда инсон омили ролини ривожлантириш тақозо қилинади.

Техноген цивилизациянинг намоён бўлиш шакли – технологик маданият шаклланиши ва ривожланиши – инсон омили, айниқса: муҳандислар, мутахассислар, техника, табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фан олимларининг интегратив ижодий фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун технологик маданиятнинг комплекс-системалигини ва жамият ва шахс ривожланишига универсал таъсир қилиш функционал аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда: **биринчидан**, ҳар бир давлатда технологик маданият тарихини ўрганиш, миллий технологик маънавий-маданий меросни халқаро миқёсда тарғибот-ташвиқот қилиш учун ахборотлар банкини, мутахассислар

тайёрлашни ташкиллаштириш ва уларнинг алмашувини йўлга қўйиш; **иккинчидан**, умуминсоният технологик маданият тарихий мероси трансформацияси инфраструктураси ва коммуникациясини ривожлантириш соҳасида халқаро институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш учун халқаро жамоатчилик кенгашини ташкил этиш; **учинчидан**, технологик маданият дифференциялашиши натижасида вужудга келган турли йўналишларининг ўзаро корреляцион алоқадорлигини ва тўлдирувчанлигини эътиборга олган ҳолда, уларнинг интеграциялашиш имкониятларини қидириб топиш; **тўртинчидан**, жамият ва шахс технологик маданиятини ривожлантиришга мутасадди институтлар ва субъектларининг: этно-демографик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, конфессионал структуравий тузилишидан қатъий назар, уларнинг потенциал имкониятларини бирлаштириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш; **бешинчидан**, технологик маданиятнинг илғор наъмуналарини оммавийлаштириш усул ва воситаларини, коммуникация системасини вужудга келтириш масалаларини ҳал қилиш, кун тартибига қўйилмоқда.

Бу тамойиллар ҳозирги замон техноген цивилизацияси, технологик маданиятининг мавжудлик ҳолатини, ривожланиш қонуниятларини илмий билиш жараёнида, турли фанлар интеграцияси ва дифференцияси диалектикаси, фанлараро ва махсус тадқиқотлар бирлиги, қуйидаги асосий тенденцияларини намоён қилмоқда, яъни умумлаштириб айтганда:

биринчидан, техноген цивилизация ва технологик маданият ривожланишининг тарихий-ретроспектив асослари илмий дунёқарашни шакллантириш шартидир. Яъни техноген цивилизация ва технологик маданият асосини ташкил қиладиган муқобил назарияларни, тарихий анъаналарни ривожлантириш: ҳам умуминсоний, ҳам миллий **технологик дунёқараш** тизимини шакллантирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация ва технологик маданият тарихи “табиат-жамият-инсон-техника-технология” тизими элементларининг муносабатларни ўрганувчи фанлар тарихига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлади;

иккинчидан, ҳозирги замонда фанларнинг дифференциаллашуви жараёнида турли: табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларида техноген цивилизация ва технологик маданият тарихига боғлиқ жиҳатлар ажралиб чиқмоқда. Уларнинг нисбатан мустақил тадқиқот йўналиши мақомига эга бўлиши: **бир томондан**, техноген цивилизация мазмун-моҳияти, характери ўзгариши билан технологик маданият ривожланиш даражаси ўртасидаги “тўғри” ва “қайтар” боғланиш – корреляцион алоқадорликни ўрганишга эҳтиёж кучайиши; **иккинчи томондан**, техноген цивилизация ва технологик маданиятни ривожлантириш муаммоларининг: ижтимоий, фалсафий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа жиҳатларини ўрганувчи фанлар кооперациясига туртки бериши билан характерланади;

учинчидан, ҳозирги замон техноген цивилизацияси ва технологик маданияти ривожланиш тарихи тадқиқотига турли фанлар комплекси ёки йўналишларининг жалб қилиниши, билиш объекти универсаллиги ва мураккаблиги билан изоҳланади. Зеро, техноген цивилизация ва технологик маданият глобаллашуви уларни ўрганувчи фанлар тизимида: инсоннинг узлуксиз ўзгариб бораётган табиий-ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабат қонуниятларини, ижтимоий ва табиий борлиққа жисмоний ва руҳий мослашиш имкониятларини, технократик потенциални, технологик салоҳияти ва маданий савиясини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этувчи илмий билиш соҳалари киради.

тўртинчидан, умуман цивилизациялар ва маданиятлар тарихи, хусусан, техноген цивилизация ва технологик маданият тарихи қамрови кенглиги – тадқиқот объектига фанлараро комплекс-системали, тарихий-мантиқий ёндашувни тақозо қилади. Лекин илмий муаммонинг: маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал хусусиятларини илмий билиш жараёнида, уларни фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик категорияси контекстида фундаментал-назарий тадқиқ қилиш, конкрет илмий хулосалар чиқаришга асос бўлади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи Тошкент: 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-3080-Қарори 2017 йил 23 июнь
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 84 бет.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 219-220 бет.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. - Т.:Ўзбекистон, 1997. 125 бет.
6. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 104-107 бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, -Б. 137-138.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998, №2, 9-бет.
9. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т., 1999. – 302 бет.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т., "Ўзбекистон", 2000. 31-бет.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - 110 бет.
12. Соловьев В.С. Три силы. Избранное. – М.: 1990. -С.45.
13. М.С. Комаров Социобиология и проблемы человека. Вопросы философии. 1985. №4. -С. 137-144.
14. Мустақиллик изохли илмий, оммабоп луғат -Т.: «Шарқ», 1998. - 104 бет.
15. "Авесто" . Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — Т.: "Шарқ", 2001, 115-бет.
16. Бобоев Х., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. "Авесто" - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ. Т.: 2004. — 142 бет.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи (Учинчи китоб). -Т.: Шарқ, 2000. 379-380 бетлар.
18. Анучин В.А. Основы природыпользования. Теоретический аспект. М.: Мысль, 1978 г. С.59.
19. В.А. Кобелянский./ Единство и соподчинённость природы и общества. В кн.: Взаимодействие общества и природы. Философско-методологические аспекты экологической проблемы. -М.: Наука, 1986.

20. Олдак П.Г. Колокол тревоги: Пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. -М.: Политиздат, 1990. С.155-157.
21. Очиллов Ж.А. Глобал техноген цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография.-Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017.-160.
22. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008 йил. - 46 бет.
23. Буригин В.А., Марциновская М.И. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш. -Т.: Ўқитувчи, 1980. 29-бет.
24. Покровский А. Экологические проблемы Земли. М.1975. С.117.
25. Соловьев С.С. Избранное. М., “Советская Россия”, 1990. –С.45.
26. Юлдашева Ф.Методологические проблемы исследования процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. 70-71 бетлар. (70-75 б.).
27. Аксумов Б.В. «Столкновение цивилизаций» как конфликт между традиционностью и современностью. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации». Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. С. 9-10.
28. Махкамова Д. Центральная Азия и страны Востока на пути сотрудничества и диалога культур. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. № 2. С.20. (17-20).
29. Адилходжаева С.М. Глобализация и вопрос устойчивого развития государства. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2008 № 3. С.55.- (55-63).
30. Кузнецов В. Геокультура. Основы геокультурной динамики безопасности в мире XXI век: культура сеть. М., Книга и Бизнес, 2003. С. 416. (-632 с).
31. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й. 399-400 бетлар.
32. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: 2003. - С. 409.
33. Тураев Б.О. ва бошқ. “Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда номоён бўлиши”. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. 360 б.
34. Тураев Б.О. ва бошқ. “Синергетика-2: назария ва амалиёт”. - Тошкент: “Fan ziyosi” нашриёти, 2022. 404 б.
35. Туленова Г. Проблема конфликта в духовной сфере // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. №2. -С. 160.
36. Джаббарова Ш. Экономическое сотрудничество стран Центральной Азии – основа культурного сближения народов региона. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. –С. 184.
37. Джуракулов Х.А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. –Волгоград, 2017. –№ 7-1, ст. 23-26.